

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

28

(982)-son

15-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

UZTELECOM

Ўзбекистон мустақиллигининг

20 йиллигини муносиб кутиб олмоқда!

UZTELECOM

YANGI XIZMATLARI!
YANGI IMKONIYATLAR!
YANGI BRENDA!
YANGI XIZMATLAR!
YANGI IMKONIYATLAR!
YANGI BRENDA!
YANGI BRENDA!

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган давридан бошлаб, алоқа соҳаси олдида мустақил давлатни жаҳоннинг ҳар қандай нуқтаси ва мамлакатимизнинг барча аҳоли тураржойи билан ишончли алоқани таъминлаш бўйича янги вазифалар пайдо бўлди. Шу маънода 20 йил мобайнида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан Ўзбекистон алоқа вазирлиги тасарруфидаги алоҳида давлат корхоналари ва бўлинмаларидан тортиб, то замонавий телекоммуникация компанияларигача — Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудларини ўз тармоғи билан қамраб олган телекоммуникациялар миллий оператори шарафига эришгунига қадар, узоқ йўл босиб ўтилди.

2-3-бетлар

Сўнгги янгилик!

NTT компанияси (Япония) Wi-Fi симсиз маълумот алмашиш технологиясининг янги стандарти (IEEE 802.11ac) ишланмасини тақдим этди. Wireless Technology Park (WTP) 2011 кўргазмасидаги намоишда бу стандарт орқали уч фойдаланувчига бир пайтнинг ўзида 120 Мбит/с. тезликда маълумот узатилди — умумий ҳисоблаганда бу деярли 1 Гбит/с.ни аниглади.

Бугунги кунда амалдаги Wi-Fi симсиз тармоқлари узоғи билан 450 Мбит/с. максимал тезлиқни таъминлай олади. Маълумот узатиш учун хос бўлган тезлик эса 11-54 Мбит/с.ни ташкил этади.

Ушбу сонда:

■ Диққат, танлов!	
■ "Ўзбекистондаги энг яхши интернет-кафе"	3
■ Тенденция развития	6
■ Телефонингизни қанчалик тез янгилайсиз?	11
■ Wi-Fi асосида	
■ корпоратив алоқа тармоқларини ташкил этиш	12
■ Чин мамлакати дурдонаси	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



Алоқа оламида:

Aloqa Print

• СИФАТЛИ
ТЕКНОЛОГИЯ
• ПОЛИГРАФИЯ
ИШЛА ИКОДИЙ БИЛАШУВ

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар,
открытки, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар,
журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Манзил: Амир Темур кўч., 1/2
Тел.: (+998 71) 236 13 34, 236 39 49
Факс: (+998 71) 233 85 56
Хизматлар электроникда www.aloqaprint.uz

Umadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармоиши эълон қилинди.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биносида соат 11.00 да бошланди.

Пойтахтимизда "Инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаси" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Унда Германия, Латвия, Жанубий Корея мамлакатлари, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси мутахассислари ҳамда экспертлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун ижроси борасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида ўтказилган "Ўзбекистон: таркибий ўзгаришлар учун янги стратегиялар ва имкониятлар" мавзусидаги тадбирда Жаҳон банкнинг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича катта вице-президенти ва бош иқтисодчиси Жастин Лин маъруза ўқиди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Полша Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида "Полша ўзбек рассомлари ва мушакчилари нигоҳида" деб номланган музей ва бадий кеча ўтказилди.

Бугунги кунда компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғи 2,0 млн. дан ортиқ рақамлар сифими билан 2 мингдан ортиқ АТСга эга, уларнинг 93,6 фоизи рақамлаштирилган.

амалга ошириш мумкин бўлмаган бўларди.

Маҳаллий телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш электралоқа тармоқлари фаолияти сифатини анча ошириб, тармоқ абонентларига янги хизмат турларини тақдим этишни таъминлади ҳамда кенг фойдаланувчилар доирасига интернет тармоғига юқори тезликда коммутацияли улашни ташкил этишга имкон берди.

Компаниянинг транспорт тармоғи тармоқни кўп босқичли бошқаришни таъминловчи замонавий SDH тармоқ технологияларидан фойдаланиб, оптик толали ва радио-

диндан ҳақ тўланган карточкалар бўйича халқаро телефон алоқаси хизматларини тақдим этмоқда.

"Ўзбектелеком" АК анъанавий алоқа соҳасида 20дан ортиқ халқаро операторлар билан ҳамкорликда халқаро телефон алоқасини таъминлаб келяпти.

"Ўзбектелеком" АК Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ), Алоқа соҳасида ҳудудий ҳамдўстлик (АСХХ), "Интелсат" йўлдошли алоқа ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилади, МДХ операторлари Кенгашига киради ва ҳоказо.

"Ўзбектелеком" АК мобил ва қайд этилган (мутлак), шаҳарлараро

UZTELECOM

Ўзбекистон мустақиллигининг

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Йилига — 365 кун,
кунига — 24 соат

Компаниянинг тарихи 1992 йилда, вилоятлар электралоқаси давлат корхоналари асосида "Ўзбектелеком" концерни ташкил этилиши билан бошланган.

Бугунги кўринишдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси — "Халқаро телеком" — шаҳарлараро ва халқаро алоқа оператори ва "Маҳаллий телеком" — қайд этилган алоқа 15 маҳаллий операторини ўз ичига олувчи холдингининг бирлашиши натижасида 2000 йил 18 июлда таъсис этилган.

Миллий оптик толали тармоқ, ўз навбатида, Европани Хитой билан бирлаштирувчи, Ўзбекистон орқали ўтадиган (ТОЕ Ўзбекистон сегменти) Транс-Осиё-Европа оптик толали тармоғи (ТОЕ) орқали бутунжаҳон телекоммуникация тармоғи билан бирлаштирилган. "Ўзбектелеком" компаниясининг фаол иштирокида замонавий телекоммуникация "ипак йўли" қайта тикланди, деб айтиш мумкин.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси мазмун-моҳиятини тўлуқча билан умуман, Ўзбекистон ва алоҳида ҳар биримизнинг ҳаётимизда унинг аҳамиятини ифода этиш учун бутун мамлакат бўйлаб жойлашган, йилига — 365 кун, кунига — 24 соат ишлайдиган ҳамда "Ўзбектелеком" АК умумий тушунчаси билан боғлиқ, бутун бир телекоммуникация корхоналари ва ташкилотлар мажмуаси фаолиятисиз республикамиздаги бирорта корхона, ташкилот ва ҳатто фуқаро ҳаётининг бир кунини ҳам тасаввур қила олмаслигини айтиш етарли бўлади.

"Ўзбектелеком" АК бўлинмалари ҳамжиҳатликда тақдим этаётган хизматларсиз теле-радио дастурларини кўриш-тинглаш, телефон тармоғининг яхши ишлаши (шу жумладан, Ўзбекистондаги барча мобил алоқа компаниялари), телеграф фаолияти, интернет тармоғидан оммавий фойдаланиш ва кўплаб бошқа ишларни



релейли алоқа линиялари асосида ташкил этилган. Янги турдаги хизматлар тақдим этишда юқори сифатни таъминлаш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш учун STM-1/16/64, DWDM ва IP/MPLS туридаги юқори тезликдаги узатиш тизимларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Компания халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) орқали республиканинг барча провайдерларига интернет глобал тармоғига улашни тақдим этади.

Интернет тармоғи ва "Ўзбектелеком" АК маълумотлар узатиш тармоғига улашни компаниянинг филиаллари томонидан xDSL ва RadioEthernet технологиялари ҳамда коммутацияли улашдан фойдаланиш билан ажратилган линиялар ёрдамида амалга оширилади.

"Ўзбектелеком" АК томонидан маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари интернет тармоғидан фойдаланиш, VPN, видеоконференцалоқа, корпоратив тармоқларни ишлаб чиқиш ва қуриш кабиларни ўз ичига олади. "Ўзбектелеком" компаниясининг VoIP халқаро овозли алоқа шлюзи орқали унинг филиаллари ол-

ва халқаро алоқа, маълумотлар узатиш ва интернет хизматлари кўрсатувчи саккизта қўшма корхоналарда ўз улушига эга.

Бутун мамлакат бўйлаб туман марказлари даражасида маънан эскирган аналог телефон станциялари замонавий рақамли станцияларга алмаштирилди. Оптик толали алоқа линияси асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар яратилди, тармоқни кенгайтириш ва унинг ишончилигини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Яратилган инфратузилма симсиз технологияларнинг, хусусан, мобил алоқанинг жадал ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Натижада вилоятлар, туман марказлари ва шаҳарларни рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 100 фоизни, қишлоқ аҳоли масканларини телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси — 95,7 фоизни ташкил этди.

Телекоммуникация ва интернет хизматларини ривожлантириш, рақобатни кенгайтириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК халқаро пакетли коммутация марказининг сифими 2010 йил давомида икки баробарга кўпайтирилиб, 2,5 Гбит/с.гача етказилди, провайдерлар учун интернет хизматлари тарифлари эса 1 Мбит/с. учун 1510 АҚШ долларидан 849 АҚШ долларигача ёки 44 фоизга пасайтирилди.

● Катта инвестициялар эвазига компания охириги йилларда маҳаллий тармоқни рақамлаштириш даражасини 93,6 фоизга етказди ҳамда ултразамонавий оптик толали миллий магистрал тармоғини қурди.

Яқин келажадаги режалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунларига ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни татбиқ этиш асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линияларини фойдаланишга топшириш, вилоят марказ-

ларини ягона комплекс кўргазмали стратегиясини яратишга қаратилган "Ўзбектелеком" АК янги бренди ва суббрендларини кенг миқёсда илгари суриш амалга оширилмоқда.

2011 йилдан "Ўзбектелеком" АК бош бренди UZTELECOM™ савдо белгиси ҳисобланади.

Компаниянинг бозордаги хизматлари учта — UZTELECOM™, UZMOBILE™ ва UZONLINE™ савдо белгилари остида кўрсатилади.

UZTELECOM™ бош бренди ва "Миллий оператор" шиори остида чакана сектор учун аънавий хизматлар тўплами ҳамда операторлар учун ички ва халқаро бозорларда барча хиз-



UZONLINE™ савдо белгиси остида чакана сектор ва кичик бизнес учун янги авлод телекоммуникация хизматлари кўрсатишмоқда: IP-технологияларга асосланган хизматлар — интернет тармоғидан фойдаланиш, IP-телефония, IPTV, IP-телефония ва интернет-хизматлари учун ҳақ

20 йиллигини муносиб кутиб олмоқда!



ларида маълумотлар узатиш транспорт тармоғини кенгайтириш, қайд этилган стационар алоқа орқали интернет фойдаланувчилари сонини 3 дан 3,5 миллион фойдаланувчигача кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқлари фойдаланувчилари сонини икки баробарга ошириб, 100 минг фойдаланувчигача етказишни таъминлаш вазифасини қўйди.

Халқаро интернетга чиқишга ўтказиш қобилияти тўрт марта оширилиши таъминланди.

2011 йили "Электрон таълим" миллий тармоғини қуришнинг биринчи босқичини тугаллаш ва республиканинг 79та олий таълим муассасасини ва кейинчалик барча олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар, касб-хунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи янги ўқув йили бошланиши билан ишга туширилади.

Ребрендинг ҳақида икки оғиз сўз

2011 йилда "Ўзбектелеком" компанияси ва унинг бўлинмалари хизмат-

Ҳозирги кунда компания таркибида 22та филиал фаолият юритади, улардан — 14таси ҳудудий, 8таси ихтисослаштирилган ва 3таси шўба корхоналардир.

матлар турлари тақдим этилади.

UZTELECOM™ корпоратив сектор учун телекоммуникация хизматлари тўпламини ҳам ўз ичига олади: қайд этилган телефония, симли ва симсиз кенг форматли улаш, маълумотлар узатиш, VPN (виртуал хусусий тармоқлар), IP-телефония, IPTV, виртуал офис АТСлари, ВКА (видеоконференцалоқа), мобил алоқа, мобил маълумотлар узатиш.

тўлаш универсал карточкалари ва бошқалар.

UZMOBILE™ савдо белгиси остида CDMA-450 стандарти асосида мобил ва стационар алоқа хизматлари кўрсатилади.

Ребрендинг натижасида абонентларимиз компания томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг янги сифатини ҳис қиладилар, деб ишонамиз.

"Ўзбектелеком" АК турли тadbирларда фаол иштирок этиб, ижтимоий муҳим ҳодисалар ва лойиҳаларда ҳомий сифатида кўп қиррали жамоатчилик ишларини олиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ёш авлоднинг тайёрлаш ва республикада болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тadbирларга ҳомийлик қилишга алоҳида эътибор бериляпти.

Компания АКТ соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан — Тошкент ахборот технологиялари университети аудиторияларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида фаол ва доимий асосда молиявий ёрдам кўрсатади. Вилоятлардан келган ТАТУ талабаларига овқатланиш пули берилади.

2011 йил биз учун алоҳида аҳамиятли йил бўлди. Бу йил Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллигини байрам қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 2011 йил охиригача бутун мамлакат бўйлаб "ягона ойна" тамойили бўйича 50 брендлаштирилган абонент пунктларини жиҳозлашни амалга оширади. Бу ерда компания абонентлари қайд этилган(мутлак) телефон алоқаси, интернет-хизматларидан тортиб, то CDMA-450 стандартида мобил алоқа хизматларигача бутун хизматлар тўпламини олишлари мумкин бўлади.

Яқин вақтда UZONLINE лойиҳаси йўлга қўйилади, унга мувофиқ, миқозларимиз ва кичик бизнес субъектларига интернет тармоғига кенг форматли улашни бўйича янада арзон тарифлар тақдиф этилади.

Махсум МАХМУДОВ,
"Ўзбектелеком"
АК бош директори

Диққат, танлов!

"Ўзбекистондаги энг яхши интернет-кафе"

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Ўзбектелеком" АК ҳамкорликда "Ўзбекистондаги энг яхши интернет-кафе" номи учун ёш тadbиркорлар ўртасида "Ахборот асри ёшлари" танловини эълон қилди.

Танловнинг асосий мақсади ва вазифалари:

- Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни рағбатлантириш;
- ёш тadbиркорларни тақдирлаш;
- аҳоли учун АКТ соҳасида сифатли хизматларни ривожлантириш.

Интернет-кафени баҳолаш мезонлари ва қонун-қоидалари:

- интернет-кафе фаолияти бўйича метёрий ҳужжатларга тўлиқ мувофиқлик;
- интернет-канал, техника, мебел, интернетнинг дизайни ва сифати;
- абонентларга хизмат кўрсатиш сифати ва шароитлари.

Танловда қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган ва ЎзААнинг тегишли лицензиясига эга бўлган Ўзбекистондаги исталган интернет-кафе иштирок этиши мумкин.

Иштирокчилар номзоди ЎзААнинг ҳудудий бошқармалари тақлифи бўйича ёки интернет-кафе эгалари томонидан мустақил равишда илгари сурилиши мумкин.

Иштирок этиш учун буюртмада қўйилганлар кўрсатилган бўлиши керак:


- Интернет-кафенинг телефон рақамлари ва электрон почтаси, кафе раҳбарининг Ф.И.Ш., жойлашган манзили кўрсатилади.
- Лицензиянинг нусхаси.
- Хонанинг тавсифи (юзи, ўринлар сони, заллари сони ва ҳ.к.).
- Техниканинг тавсифи (компьютерлар, мониторлар, принтерлар ва ҳоказоларнинг аниқ техник параметрлари).
- Интернет-каналнинг сигими ва уни қим тақдим этиши.
- Интернет-кафе хизматларидан фойдаланувчиларнинг бир ойлик миқдори.
- Интернет-кафенинг фотосуратлари.

Танлов ғолиблари (1, 2 ва 3-ўрин) дипломлар ҳамда "Ўзбектелеком" компаниясининг 1 йил bepул интернетдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификати билан тақдирланади.

Иштирок учун ариза топширишнинг сўнгги муддати 2011 йил, 5 август.

Аризаларни e.dalimov@aci.uz электрон манзилига юборишнингиз мумкин.

• **Жорий йилнинг 2 июлидан провайдерларга интернет-хизматлари тарифлари яна бир бор камайтирилди ва 1 Мбит/с. учун 705 долларни ташкил этди.**



Худуди — 6,8 минг кв. км.
Аҳолиси — 3 млн. 15 минг киши.
Таркибида 15та туман бор.
Маркази — Фарғона шаҳри.



Фарғона вилоятида 1994 йили Жанубий Кореянинг «DAEWOO» корпорацияси билан ҳамкорликда 50000 рақамга мўлжалланган TDX-1В тизими ишга туширилди. Оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, вилоятимизда амалга оширилгани истижолнинг дастлабки йилларида эришилган улкан муваффақият сифатида тарих саҳифаларидан жой олди.

Фарғона шаҳрига 30000, Қўқон шаҳрига 10000, Марғилон шаҳрига 10000 рақамли электрон станциялари ўрнатил-



Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи ходимлари
Насиба ТОЖИБОЕВА ва Шоҳиста ҚОБИЛОВА
бамаслаҳат иш юритишди.

Энг азиз, энг улуг...

ди ва 1994 йили мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди. Оптик толали алоқа линиялари ётқизилиб, 16 хил қўшимча хизмат турлари кўрсатила бошланди. Фурқат туманида «Искрател» фирмасининг 1000 рақамли электрон АТСи ишга туширилди ҳамда Япония-Корея иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Ўзбекистон Республикасида электралоқа тармоғини кенгайтириш ва янгилаш (EDCF) лойиҳаси бўйича ишлар амалга оширилиб, 2001 йилда монтаж ишлари якунланди. Мижозларнинг телефон рақамлари янги ЭАТСларга уланди.

Халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити (OECF) жалб қилиниб, «JBIC» лойиҳаси бўйича Фарғона шаҳрида янги электрон шаҳарлараро АТС ишга туширилиши энг унутилмас натижалардан бўлган эди. 2004-2005 йилларда бу ишлар янада такомиллаштирилди. Қамчиқ довони орқали узунлиги 860 км. 215 метрни ташкил этган «Тошкент-Фарғона водийси» оптик толали алоқа линияси ётқизилди ва 43та станция қурилиб, замонавий узатиш ускуналари ўрнатилди. Кейинчалик 2006 йилда узунлиги 107 км. 450 метрни ташкил этувчи «Чодак-Лембург» рақамли радиореле линиясининг қурилиши сўхликларнинг бир қувончига ўн қувонч қўшди. Туман аҳолиси Ўзбекистон телевизион дастурларини ёрқин рангларда томоша қиладиган бўлишди. «Қиргули-Чимён-Шоҳимардон» рақамли радиореле линияларининг қурилиши шоҳимардонлик ва ёрдонликларни беҳад мамнун этганига ҳам мана уч йил бўлиб қолди.

«Тошкент ва Фарғона водийси ўртасида оптик толали алоқа линияларини модернизация қилиш» лойиҳаси амалга оширилиши натижасида янги қурилмалар ҳисобига маълумотлар узатиш тезлиги кескин оширилиб, каналлар ҳажми ҳам кўпайтирилди. ХХР кредити асосидаги лойиҳага кўра, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман марказларида HUAWEI компаниясининг рақамли АТСлари монтаж қилиниб, оптик толали кабел линияси ўрнатилганлиги туфайли юқори тезликдаги алоқага эришилди.

Шунингдек, ХХР Эксимбанки имтиёзли кредити ҳисобига 2006 йилда Фарғона радиотелевизион узатиш станциясига «Спорт» телеканали учун янги телеузатгич ўрнатилди. 2008 йилда 11та ТВ ва 13та FM узатгичлари ўрнатилганлиги сабабли, вилоят аҳолиси «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеканалларини кўриш имкониятига эга бўлди.

Интернет тармоқларининг юқори тизимида ишлашни йўлга қўйишдек муҳим вазифани аниқ ва пухта бажариш борасидаги ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Сўнгги ойларда қўшимча 2736 порти DSLAM концентраторлари келтирилиб, Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларига ўрнатилди. Айни кунда вилоятимизда 7904 порт мавжуд бўлиб, мижозларни VPN, VKC, IP-телефония хизматларига улаш ишлари олиб борилмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, икки-уч йил ичида 32та қишлоқ худудларидаги аналог станциялар ўрнига СГМ станциялари ўрнатилди.

Вилоятда «Ўздунробита» (1996 йил),

«Юнител» (1997 йил), «Coscom» (2000 йил), «Перфектум Мобайл» (2005 йил) ва «Ўзбектелеком мобайл» (2007 йил) уяли алоқа компаниялари фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда уларнинг база станциялари 1600 тадан ҳам кўпроқ, Бошқача қилиб айтганда, вилоят худуди мобил алоқа билан 85-90 фоиз қамраб олинган. «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғига «ЎзМобайл» филиали, «RWC» ва «East Telecom» корхоналари томонидан 5та олий таълим муассасаси, 140та коллеж, 11та академик лицей ва 905та мактаб, яъни таълим муассасаларининг 98 фоизи уланган.

Интернет тармоғида ахборот ресурслари янгиланб борилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-саҳифаси (www.fergana.uz) яратилган ва шу саҳифа орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК Фарғона филиали мижозларига жаҳон андозлари даражасида хизмат кўрсатиш мақсадида Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ташкил этилган «Ягона ойна» марказлари улуг байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Қўқон шаҳридаги 552/553-АТС биносининг 2010 йилда мукаммал таъмирдан чиқарилганлиги, 554-АТС биноси замонавий қиёфа касб этгани мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига Агентлик ва компания томонидан муносиб тўхфа бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирда ТАТУ Фарғона филиалида видеоконференцалоқа тизими ишга туширилганлиги ҳам АКТ соҳасидаги ютуқларимиздан бўлиб, вилоятдаги қолган тўртта олий ўқув юртларида

Вилоятда:

- Электрон АТСлар сони — 90та.
- Почта алоқаси бўлимлари — 290та.
- Матбуот дўконлари — 147та.
- 540 км.дан ортиқ масофага оптик толали алоқа линиялари тортилган.
- Салкам уч минг нафар алоқа ходимлари меҳнат қилмоқда.
- Мобил алоқа абонентлари сони — 2,2 миллиондан ошди.
- Интернетдан фойдаланувчилар — 288100 нафар.

масофавий таълимнинг ушбу тури ҳадемай ишга туширилади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиалида амалга оширилаётган ишлар қамрови ҳам гоятда кенг. Филиал, шаҳар ва туман марказларида интернет-кафе, пул жўнатмаларини қабул қилиш ва тўлаш, курерлик, нуска кўчириш, факс хизматлари кўрсатилмоқда. Мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида иккита кўча алоқа хизмати бўлимлари махсус жиҳозланган «Дамас» автомашиналарида фаолиятини қизғин олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида 19та тармок, 265та алоқа бўлимлари бинолари хусусийлаштирилиб, жамоа мулкига айлантирилди. Филиал замонавий почта хизмати учун ихтисослашган 55та автомобилларга эга. Дунёнинг қўллаб-қувватлари билан тезкор почта алмасуви (EMS) йўлга қўйилган.

Эл дастурхони тўқинчилигига улуш қўшишдек эзу ишларга қўл урилди. Водилда «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиали боғлари, Риштонда почтачиларнинг зотдор қорамол, паррандачилик ва балиқчилик фермер хўжалиги, Логон қишлоғида почтачилар боғи барпо этилди.

Вилоятдаги барча алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тўйини муносиб меҳнат зафарлари билан қутиб олаётганларидан беҳад мамнундирлар. Зотан, бу сана ҳар биримиз учун энг азиз ва энг муқаддасдир.

Саҳифани

Ҳафиза САЛҲОВА тайёрлади

Асло кам бўлманг


Менга истиқлолни кўриш, бу йилларда ўн йилдан кўпроқ ишлаш nasib этди. Етказганига шуқр. Истиқлол туфайли соҳамизнинг кун сайин, соат сайин тараққий топаётганига гувоҳ бўлиб турибман. Айни кунда соҳада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган, ёшлик куч-қувватини мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратаётган ҳамкасбларимизга, шоғирларимга омад тилайман, барака топинг, асло кам бўлманг, дейман.

Нўмон КАРИМОВ,
«Моҳир алоқачи» фахрий унвони соҳибиди

Янгиллик яратинг

Ўғлим Санкт-Петербургдаги ахборот технологиялари университетидида таҳсил олади. У билан деярли ҳар куни компютер орқали бир-биримизни кўриб, суҳбатлашиб турамыз. Яқинда 90 ёшли момомиз ҳам у билан гаплашиб, компютерни силаб, қўлларини ўлиб, техника мўъжизасидан ҳайратланиблар. Шундай замонларда яшаб, ўқиб, меҳнат қилаётганлар бу неъматларнинг шуқрини қилинлар, эл-юртнинг дуосини олиш пайида бўлинлар, янгилликлар яратинлар дедилар.

Нигорахон МАМАЖОНОВА,
Водли қишлоғи, уй бекаси



Худуди — 16,4 минг кв. км.
Аҳолиси — 3,15 млн. киши.
Таркибида 14та туман ва 2 ша-
ҳар, 11та туманга бўйсунувчи
шаҳар мавжуд.
Маркази — Самарқанд шаҳри.

Мамлакатимиз мустақил-
лигининг 20 йиллигини
самарқандлик алоқачи-
лар қандай кутиб олишяпти? Мух-
биримизнинг Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги Сама-
рқанд вилоят ҳудудий бошқармаси
бошлиғи Толибжон Пулатов билан
суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Бугунги кунда ҳеч бир соҳа йўқки,
интернет хизматидан фойдаланмаётган
бўлса, вилоятда бу йўналишдаги хиз-
матлар қай тарзда йўлга қўйилган?



Самарқанд шаҳар почта алоқаси тармоғи оператори Парвина ХОЛИҚОВА
миқозларга намунали хизмат кўрсатишни бурчи деб билади.



Вилоятда:

• Телефон станциялари
сони — 108та (57таси шаҳар,
51таси қишлоқларда).

• 356та почта алоқаси
бўлими мавжуд.

• 74та матбуот дўкони бор.

• 965 км.дан ортиқ оптик
толали кабел ётқизилган.

• Тўрт мингта яқин алоқа
ходими фаолият кўрсатмоқда.

• Мобил алоқа фойдала-
нувчилари сони — 2 миллион
35 минг 600 нафар.

• Интернетдан фойдала-
нувчилар сони — 276 500 на-
фар.

Зафарли одимлар

— Дарҳақиқат, интернетта талаб
бетҳутов ошиб борапти. Масалан,
вилоятимизда ўтган йили глобал
тармоқдан фойдаланувчилар сони
266 850 нафарни ташкил этган
бўлса, жорий йил биринчи ярмига
келиб, уларнинг сони деярли ўн
минг нафарга кўпайди ва 276 500
нафарга етди. Бугунги кунда вилоят
бўйича 99та давлат ва ҳўжалик бо-
шқаруви органи, 1225та ҳўжалик
бошқарув субъектининг интернетдан
фойдаланиши йўлга қўйилган.

Халқаро ахборот тармоқларидан
фойдаланиш умумий тезлиги 2002
йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 60
баробарга ошди ва ҳозирда бу кўрсат-
кич 511 Мб/с.ни ташкил этапти.

Вилоятда интернет тармоғига
улаштириш хизматини кўрсатувчи ҳўжа-
лик юритувчи субъектлар сони 15та,
жамоавий фойдаланиш нуқталари-
нинг сони эса 123тага етди. Интер-
нетдан фойдаланувчилар умумий
сони йилдан-йилга ўртача 7,9 фо-
изга ошиб, ҳозирги кунда ҳар минг
фуқаро ҳисобига ўртача 88,6та фой-
даланувчи тўғри келяпти.

Вилоят аҳолисини интернет хиз-
матлари билан таъминлаш мақсади-
да 2010 йили “Ўзбектелеком” АК
“ЎЗНЕТ” филиалининг Самарқанд
бўлими томонидан DSLAM техно-
логияси асосида вилоят бўйича
2324та қўшимча абонент портлари
монтаж қилиниб, улар тўлиқ ишга
туширилди. Воситаларни қайта
конфигурациялаштириш асосида
Самарқанд вилоятидаги 24та (жум-
ладан, Самарқанд шаҳрида 18та, ту-
манларда 6та) АТСда маълумотлар-
ни узатиш янги боғланмаси яратил-
ди. 2011 йил 1 июл ҳолатига ҳам
DSLAM технологияси асосида вило-
ят бўйича 1608та қўшимча абонент
портлари монтаж қилиниб, ишга ту-
ширилди. Вилоят миқёсида абонент
портлари жами 5248тага етказилди.

Ёшларни илм олишга қизиқтириш
мақсадида “ZiyoNET” ахборот таъ-
лим тармоғи лойиҳаси амалга оши-
рилиб, ушбу тармоққа ҳозиргача ви-
лоятимиздаги мавжуд 7та олий таъ-

лим муассасаси, 111та касб-ҳўнар
коллежи, 13та академик лицей ва
1128та умумтаълим мактаби уланди.

— Мактаб ва коллежларда интер-
нетдан фойдаланиш имкониятлари
ҳақида гапирдингиз, уларни теле-
фонлаштириш даражаси қандай?

— Вилоятдаги ижтимоий аҳа-
миятга эга объектларни телефонлаш-
тириш мақсадида умумтаълим мак-
табларидан 1181таси, мактабгача
тарбия муассасаларидан 272таси,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқар-
масига қарашли қишлоқ врачлик
пунктларининг 389таси, вилоят ўрта
махсус, касб-ҳўнар таълими бош-
қармаси тизимида қарашли 14та
академик лицей, 156та касб-ҳўнар
коллежи алоқа воситалари билан
тўлиқ таъминланди.

— Вилоятда ягона бўлган Пуш-
кин номидаги вилоят ахборот-ку-
тубхонаси 100 йиллик тарихга эга-
лигини кўпчилик билмаса керак, шу
муассаса фаолиятига ҳам тўхтал-
сангиз.

— Кутубхона Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг 2006 йил
20 июндаги “Республика аҳолиси-
ни ахборот-кутубхона билан таъ-
минлашни ташкил этиш тўғриси-
да”ги қарорига асосан ахборот-ку-
тубхона марказига айлантирилди.
Ҳозирги кунда ахборот-кутубхона
марказининг фонди 626 минг ки-
тобдан ортиқ бўлиб, 37 мингдан
зиёд китобхонга хизмат кўрсатяпти.
АКМда 30та компьютер мавжуд
бўлиб, локал тармоқ ташкил
қилинган, интернет ва “ZiyoNET”
таълим тармоғига уланган ҳамда 20
турдаги керакли техника жамланма-
си билан таъминланган. Марказда
2010 йилдан бошлаб “KaDaTa”
миллий дастури жорий этилиб, 43
минг китобдан иборат электрон ка-
талог яратилди. АКМ ходимлари
301та ахборот-ресурс марказининг
фаолиятини яхшилаш юзасидан
ташкिलий-услубий ишларни амал-
га оширишяпти.

— Аналог телефон станциялари за-
монавий, рақамлиларига ўтказилиши
натijasида хизмат турлари кўпайгани-
дан мижозлар мамнун. Вилоятда рақам-
лаштириш қандай амалга ошириляпти?

— Аввало айтиш керакки, вилоят-
тимизнинг барча шаҳар ва туман мар-
казларидаги телефон станциялари
тўлиқ рақамлаштирилган. Жумладан,
вилоят бўйича станцияларнинг умум-
ий монтаж сигими 128632 рақамга
(“ЎЗИ-Самарқанд” филиалида 77084
рақамга, “Ўзбектелеком” АК Сама-
рқанд филиалида 51568 рақамга) тенг
бўлиб, жами телефон станциялари
сони 108тани ташкил этади. Шу жум-
ладан, 31та телефон станциясига
“ЎЗИ-Самарқанд” филиали томони-
дан, 77та телефон станциясига
“Ўзбектелеком” АК Самарқанд фили-
али томонидан хизмат кўрсатилади.
Аналог қишлоқ телефон станциялари
замонавий рақамли телефон станци-
яларига алмаштирилганлиги муноса-
бати билан аҳолига интернет ва
қўшимча хизмат турларидан кенг фой-
даланиш имкониятлари яратилди.

Магистрал алоқа линиялари туман
марказларига оптик толали кабел-
лар асосида реконструкция қилинди.
Бугунги кунгача вилоят бўйича 965
км.дан ортиқ оптик толали кабел
ётқизилди. Бевосита 2011 йили вилоят
бўйича 83 км.дан ортиқ оптик толали
кабел ётқизилди ва бу ишлар давом
этириляпти.

Вилоят аҳолиси ва ташкилотлари-
га “МТС-Ўзбекистон”, “Ucell”, “Би-
лайн”, “Перфектум Мобайл” компа-
ниялари ва “ЎзМобайл” мобил алоқа
ва интернет хизматлари
кўрсатмоқда. Ушбу компанияларнинг
вилоят шаҳар ва туманларидаги қам-
рови етарли даражада бўлиб, улар ўз
тармоқларини янада ривожлантириш
бўйича режалар ишлар олиб боришяп-
ти. Масалан, қишлоқ жойлардаги
аҳоли ва ижтимоий аҳамиятга эга ин-
фратузилма объектларини телефон
алоқаси ва интернет хизматлари бил-
лан таъминлаш мақсадида “Ўзбекте-
леком” АК томонидан вилоятда 2010
йили қўшимча 8та CDMA-450 база

станцияси ишга туширилди. 2011 йил
давомида 6та CDMA-450 база стан-
циясини ўрнатиш режалаштирилган.
Бугунги кунда вилоят бўйича жами
26та замонавий CDMA-450 база
станцияси ишлатиляпти.

— 2010 йил сентябр ойида рақамли
телевидение ишга туширилиши вилоят
аҳолиси учун ўта муҳим, ҳам қувончли
соғва бўлди. Шундай эмасми?

— Албатта, бу нафақат аҳоли, бал-
ки биз — соҳа ходимлари учун ҳам
жуда муҳим янгилик бўлди. Бу бора-
даги ишларга тўхталадиган бўлсак,
вилоят аҳолиси учун рақамли теле-
видение хизматини йўлга қўйиш мақ-
садида 2010 йили Самарқанд шаҳри
яқинидаги “Чўпонота” радиотелеви-
дение станциясида Германиянинг
“Роде Шварц” компаниясида ишлаб
чиқарилган қуввати 2,3 кВт бўлган ра-
қамли телеузаттич монтаж қилиниб
ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу
узаттич орқали Ўзбекистон ва хориж-
нинг 12та телеканали дастурлари
тарқатилляпти.

Аҳолига хизматларни тақдим этиш
мақсадида Самарқандда “UZDIGITAL
TV” МЧЖнинг бешта дилери фаоли-
ят юритмоқда.

— Истиклол айёми арафасида ви-
лоятимиз миқёсида ташкил этилиши
режалаштирилган “Ягона ойна мар-
казлари” ҳақида ҳам маълумот бериб
ўтсангиз.

— “Ягона ойна марказлари”ни
ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар
режасига асосан Самарқанд шаҳри ва
Самарқанд туманида “Ягона ойна
марказлари” қисман ташкил этилган,
тўлиқ ташкил этиш бўйича ишлар
олиб боришмоқда. Қолган шаҳар ва ту-
манларда ҳам “Ягона ойна марказ-
лари” ташкил этиш бўйича тегишли
тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Мазмуни суҳбатининг учун раҳмат!

Абдуғафур ХОТАМОВ
суҳбатлашди

Тенденция развития

проводных сетей доступа для предоставления абоненту широкополосного канала связи


В мире все больше растет интерес к развертыванию сетей доступа с возможностью предоставлением абоненту широкополосного канала связи. Причиной данного интереса служит быстрый рост требований к полосе пропускания сетей связи, обусловленный появлением новых широкополосных услуг.

К таким услугам можно отнести услуги для бизнеса (видеоконференц-связь, удаленное обучение, телемедицина) и развлекательные услуги (видео по запросу, цифровое вещание IP-TV, HDTV телевидение высокой четкости, on-line игры и т.д.). Но как достичь должных результатов по представлению качественного сервиса потребителям, какие имеются методы, технологии для решения задач об этом коротко мы постараемся просветить нашего читателя.

До недавнего времени в сетях телекоммуникации преобладали медные кабельные линии связи, которые стали основной инфраструктурой телекоммуникационной сети. С конца 80-х годов с внедрением цифровых систем передачи началось широкое внедрение волоконно-оптических линий связи далее ВОЛС. И в настоящее время практически все магистральные, внутризоновые и межстанционные связи функционируют на ВОЛС, тем самым увеличился объем передачи информации, что позволило планомерно произвести цифровизацию телефонных станций, т.е. замену морально устаревших ДШАТС и АТСК.

В ходе строительства и эксплуатации ВОЛС, были определены основные преимущества волоконно-оптической среды распространения, это широкополосность, возможность передачи высокоскоростного трафика, слабую восприимчивость к внешним электромагнитным воздействиям, а также обеспечивающих максимальную надежность, минимальные затраты на самую дорогую часть любой проводной телекоммуникационной системы линейно-кабельные сооружения.

Как было выше отмечено, медная линия связи превалирует над ВОЛС и это реально просматривается на участке последняя миля, т.е. от АТС до абонента. Данный факт стал актуально просматриваться после того как в последние годы динамично стало развиваться область телекоммуникаций широкополосный доступ далее ШПД, который обеспечивает предоставление пользователю полного набора услуг (передача голоса, данных, видео) и все эти услуги в настоящее время предоставляются по технологии xDSL. Но на линиях DSL имеются большие помехи, которые проявляются с удлинением медной линии и основными источниками помех являются переходные помехи, которые



В семейство FTTx входят следующие основные виды архитектуры:

- FTTN (Fiber to the Node) — волокно до сетевого узла.
- FTTC (Fiber to the Curb) — волокно до микрорайона, квартала или группы домов.
- FTTB (Fiber to the Building) — волокно до здания.
- FTTH (Fiber to the Home) — волокно до жилища (квартиры или отдельного коттеджа).

постараемся коротко рассмотреть.

Главные источники помех на линиях DSL можно разделить на внешние и внутренние.

Внутренние источники помех — это тепловые шумы, линейные и нелинейные искажения, шумы квантования, остаточные эхо-сигналы, помехи источников синхронизации, включая фазовые шумы, джиттер синхронизации и др.

Примерами внешних источников помех являются переходные помехи между парами кабелей абонентских телефонных сетей, интенсивность переходных помех могут время от времени меняться из-за включения или выключения пользовательских модемов xDSL, изменения в абонентской проводке и т.д.

Импульсные помехи — главные источники импульсных помех — удары молнии, токи перегрузки, включения и выключения осветительных электроприборов бытовых приборов.

Радио помехи — проблема радио помех для систем ADSL особенно актуальна в городах, где источников радио помех велика.

Наличие всех этих факторов приводит к уменьшению пропускной способности линий DSL, и с каждым годом требования к полосе пропускания сетей связи у пользователей ШПД увеличивается с появлением новых широкополосных услуг. Сама природа медной инфраструктуры не позволяет решить проблему ШПД и решением является строительство ВОЛС до абонента или хотя, бы максимально приблизившись к нему сократив участок медного кабеля. Уч-

тывая данный факт, в настоящее время ШПД строится в основном по архитектуре FTTx (Fiber to the x) — оптическое волокно до точки "x", согласно которой от узла связи до точки "x" прокладывается магистральный оптический кабель, а от точки "x" до абонента распределительный медно-жильный кабель. На участке от точки "x" до абонента в основном применяются различные технологии xDSL (ADSL, ADSL2+, VDSL) с использованием медной инфраструктуры, ETTH — Ethernet To The Home (Ethernet до дома) с использованием активного Ethernet или с использованием оптической технологии PON — Passive optical network (пассивная оптическая сеть).

По сути, указанные архитектуры определяют лишь то, насколько близко к пользовательскому терминалу подходит оптический кабель. Для реализации же любой из них могут быть привлечены различные технологии. Можно отметить, что вся линейка семейства FTTx уже имеет применение на сетях республики Узбекистан и реализована различными операторами и провайдерами с использованием технологий ETTH — Ethernet To The Home (Ethernet до дома) или PON — Passive optical network (пассивная оптическая сеть). Каждый оператор, провайдер сам решает, какую технологию ему применить в том или ином случае.

Акмал АРИФДЖАНОВ,
Директор департамента
координации развития бизнеса и
инвестиций АК "Узбектелеком"

Акция "Роуминг за полцены" от "БИЛАЙН" продолжается!

"Билайн" продолжает акцию "Роуминг за полцены". До 30 сентября 2011 года абонентам "Билайн" предоставляется уникальная возможность общаться в международном роуминге в 2 раза дешевле.

Комментируя событие, технический директор "Unitel" Антон Голиков отметил: "Акция уже получила огромную популярность среди абонентов, выезжающих в Россию, Казахстан, Армению, Грузию, Таджикистан и Кыргызстан. Снижение расходов на 50% пришлось более чем кстати именно летом — в разгар отпускного сезона, и мы рады, что сумели сделать такой подарок своим клиентам".

Подключив услугу "Роуминг за полцены", абонент получает 50% скидки на все входящие звонки, исходящие звонки в Узбекистан, а также на исходящие звонки в страну пребывания. Разовый платеж за подключение к услуге составляет \$3 без абонентской платы. Стоимость минуты исходящего звонка в Узбекистан составляет \$1,2. Исходящий звонок в страну пребывания и все входящие звонки тарифицируются по \$0,6 за минуту разговора. Международные звонки, SMS-сообщения и GPRS-трафик соответствуют стандартным тарифам зоны "Билайн" в международном роуминге.

Срок действия услуги — 30 дней с момента подключения.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Коротко...

✦ В Массачусетском технологическом институте изобретен новый способ изготовления солнечных батарей. Их можно напечатать на бумаге, ткани, пластике или другой плоской гибкой поверхности с помощью устройства, напоминающего струйный принтер.

✦ Финский производитель смартфонов Nokia вложил около 127 млн. долларов в совместную с Microsoft рекламную кампанию по продвижению устройств на базе Windows Phone 7. Полугодовая кампания должна быть запущена по всему миру в октябре этого года.

✦ Американская корпорация Cisco, крупнейший производитель сетевого оборудования в мире, может уволить до десяти тысяч сотрудников, или около 14 процентов всего штата компании. Таким образом Cisco намерена сохранить прибыль за счет снижения расходов на персонал.

✦ Количество приложений, загруженных из Apple App Store, достигло 15 миллиардов. За время существования магазина им воспользовались более 200 миллионов владельцев iPhone, iPad и iPod из 90 стран мира. Компания сообщила, что она выплатила разработчикам более 2,5 миллиардов долларов.

Хабарлар +tv

УЎЗБЕКИСТОН

5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7.00 "Ишқ эртани", Т/с.
8.00 Таҳсилнома.
8.45 9.45 "Маманинг" дастури.
9.45 "Икки дунё", М/с.
9.55 "Ислом".
10.00 ТелеТепр: "От Ўйлаган томонда", 1-қисм.
10.40 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Айбобор".
11.10 "Шаҳар чепари шайхона", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.20 Кўпчилик кўпчилик истади".
12.55 "Ислом".
13.00 "Ватанпарвар".
13.40 "Истиқлол фаришталари".
14.00 "Айбобор".
14.20 "Рағбат дунё".
14.40 "Биз қимомиз".
15.00 "Ислом".
15.05 "Олам ва олам" дастури.
15.10 "Жаҳон Америка табиати".
16.00 "Хўшхўр ҳаёти".
16.15 "Бизни мақдони".
16.40 "Икки дунё оралини".
17.00 "Айбобор".
17.15 "Оли сўз".
17.45 "Ислом".
18.00 "Кўпчилик кўпчилик истади".
18.10 "Болалар сабақлари".
18.20 "Сунити қиролни", Т/с.
19.00 "Коречик".
19.20 "ТВ - шайхона".
19.25 20.00 20.55 Ўйлашлар.
20.30 "Айбобор" /рус/.
20.40 "Отин мерос".
20.50 "Хайр қўйиш", Т/с.
21.00 "Айбобор".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 20 йиллиги.
22.00 "Муқаббат таъми", Т/с.
22.45 "Ислом".
22.50 "Шаҳар чепари шайхона", Т/с.
23.40 00.00 "Коречик".
00.00 Қўрсатувлар дастури.
00.05 "Оли сўз".
00.45 "Юртим бўйлаб" дастури.
00.55 "Ишқ".
00.55 "Кўпчилик кўпчилик истади".
1.00 "Айбобор" /рус/.
1.35 2.30 "Маманинг" дастури.
2.30 "Ватан мақдони".
2.55 "Отин мерос".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Айбобор".
4.35 ТелеТепр: "От Ўйлаган томонда", 1-қисм.
5.15 "Рағбат дунё".
5.30 "Икки дунё оралини".
5.50 5.55 "Оли сўз".
6.00 "Дастурнинг охири".
6.10 "Муқаббат дунё".
6.40 "Қалмоқ", Худжия.
6.50 "Тўқсон мақдони".
7.40 "Бизни навоилари".
8.00 Миллий сериал: "Қаманининг охири".
8.40 "Муқаббат дунё".
8.50 "До-ми-со-ля".
9.20 "Шарқ гавари".
9.50 "ЎзБЕХ".
10.00 "Даво вафат ичига".
10.30 "Осиё", Т/с.
11.20 "Қамолот-инфо".
11.40 "Бизни навоилари".
12.00 "Қиролни", Т/с.
12.50 "Истиқлол солмонаси".
13.00 "Даво".
13.10 "Қўнқоқ ақлиб".
13.30 "Муқаббат дунё".
13.40 "Самовий ишқ", Т/с.
14.40 "Ташқишотини", Истиқлол".
15.00 "Доктор Қўнқо", Т/с.
15.50 "ЎзБЕХ".
16.00 "Даво".
16.10 Миллий сериал: "Қалдиришлар ния қайтган".
16.50 "Афсона ва ҳақиқат".

ДУШАНБА — 18 ИЮЛ

17.35 "Қадиқ қўрсатувлар", Т/с.
18.30 "Даво навоилари".
18.50 "ЎзБЕХ".
19.00 "Даво".
19.30 "Осиё", Т/с.
20.40 "Бизни навоилари".
20.50 "Биз қимомиз".
21.10 "Қиролни", Т/с.
22.00 "Даво".
22.30 "Доктор Қўнқо", Т/с.
23.00 "Бизни навоилари".
23.10 "Ўқитиш".
23.40 "Муқаббат дунё".
1.00 "Қадиқ қўрсатувлар", Т/с.
2.00 "Даво".
2.30 Миллий кино: "Қўнқоқ ақлиб".
4.30 "Афсона ва ҳақиқат".
5.15 "Сексин қўнқо".
5.50-6.00 "Хайр қўнқо".

ЎЗБЕКИСТОН

7.25 Қўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 "Тошкент тароналари".
8.45 "Биз навоилари", Т/с. 45-қисм.
9.10 "Иттиҳод".
9.20 "Иттиҳод ақлиб".
9.30 2011 йил-Қўнқоқ бизнес ва ҳуқуқий таъбирларни йил.
9.45 "Менинг мақдони".
10.05 "Биз қимомиз".
10.37 "Қўнқоқ қўнқоқ, эй навоилари".
11.35 "Телегазет".
11.55 "Сексин тўн", Б/ф.
12.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё", теледустур.
15.00 "Пошта".
15.20 "Биз навоилари".
15.30 "Чингизхон афсонаси-1", М/ф.
16.45 "Тошкент тароналари".
16.45 "Қўнқоқ навоилари".
17.00 "Иттиҳод ақлиб".
17.25 "Телегазет".
17.40 "Қасбим фойри".
18.00 "Пошта".
18.25 "Тошкентнинг ишқ масқалари".
18.40 "Душанба".
18.55 "Иттиҳод ақлиб".
19.05 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
19.30 "Тошкент тароналари".
19.45 "Телекўнқоқ-маркет".
19.55 "Бизни навоилари".
20.00 "Пошта".
20.25 "Ўқитиш".
20.30 "Шаҳарнинг қўнқоқ", Т/с.
21.00 "Тошкент тароналари".
21.15 "Телекўнқоқ-маркет".
21.30 "Пошта".
21.40 "Иттиҳод ақлиб".
22.10 "Иттиҳод ақлиб".
22.15 "Бизни навоилари".
22.35 "Профессия".
00.05 "Қўрсатувлар тартиби".
00.10 "Ўқитиш".
1.45 "Отин мерос".
2.15 "Даво навоилари".
3.05 "Ўқитиш".
3.10 "Панж қўнқоқ".
3.40 "Ўқитиш".
3.55 "Сексин тўн", Б/ф.

SPORT

6.00 "Хабарлар тўн".
6.10 "Саломат бўлиш".
6.30 "Барқамол ақлиб".
6.55 "Спортчилар оқиша".
7.15 Болалар майдончаси.
Тонтиги таъбирлар.
"Спортчилар", Музыфильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлиш".
8.50 Футбол. Америка кубоги. 1/4 финал.
10.35 "Саломат бўлиш".
11.20 Футбол. Америка кубоги.
11.30 Футбол. Америка кубоги.
11.40 Футбол. Америка кубоги.
11.50 Футбол. Америка кубоги.
12.00 Футбол. Америка кубоги.
12.10 Футбол. Америка кубоги.
12.20 Футбол. Америка кубоги.
12.30 Футбол. Америка кубоги.
12.40 Футбол. Америка кубоги.
12.50 Футбол. Америка кубоги.
13.00 Футбол. Америка кубоги.
13.10 Футбол. Америка кубоги.
13.20 Футбол. Америка кубоги.
13.30 Футбол. Америка кубоги.
13.40 Футбол. Америка кубоги.
13.50 Футбол. Америка кубоги.
14.00 Футбол. Америка кубоги.
14.10 Футбол. Америка кубоги.
14.20 Футбол. Америка кубоги.
14.30 Футбол. Америка кубоги.
14.40 Футбол. Америка кубоги.
14.50 Футбол. Америка кубоги.
15.00 Футбол. Америка кубоги.
15.10 Футбол. Америка кубоги.
15.20 Футбол. Америка кубоги.
15.30 Футбол. Америка кубоги.
15.40 Футбол. Америка кубоги.
15.50 Футбол. Америка кубоги.
16.00 Футбол. Америка кубоги.
16.10 Футбол. Америка кубоги.
16.20 Футбол. Америка кубоги.
16.30 Футбол. Америка кубоги.
16.40 Футбол. Америка кубоги.
16.50 Футбол. Америка кубоги.

16.00 Тенис. АТР WTA турнири.
17.00 Сув спортлари бўйича жаҳон чемпионати.
18.00 Болалар майдончаси.
"Спортчилар", Музыфильм.
18.30 ХАБАРЛАР.
20.40 Саломатлик ҳазинаси.
18.55 Ўзбекистон Республикаси мухторлигининг 20 йиллиги олдидан: "Барқамол ақлиб".
19.15 Футбол. Америка кубоги.
20.55 Биринчи ақлиб. Тур ҳисоботи.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик ҳазинаси.
21.55 Қўнқоқ. Ўзбекистон чемпионати.
23.05 Сешанба дастури ақлиб.
23.15 Футбол. Жаҳон кубоги. Аёллар. Финал.
1.00 Хабарлар.
1.25 Ўқитиш ақлиб.
2.25 Сув спортлари бўйича жаҳон чемпионати.
3.20 Тенис. АТР WTA турнири.
4.20 5.50 Самбо. Жаҳон чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН

07.00 07.40 09.00 10.30 11.20 15.30
18.10 19.30 20.55 02.15 Ўзбек навоилари
07.30 Prime time (юзб)
08.10 Сериал "Хонаки эркак"
09.40 Сериал "Қамолот"
11.30 "Двойная жизнь Чарли-Сан Кайуа" Х/ф.
14.40 Сериал "Хонаки эркак"
17.30 "Премьера"
18.00 Prime time (юзб)
18.40 Сериал "ХОНАКИ ЭРКАК"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал "КАМЕЛОТ"
22.00 "ДОБРОЕ УТРО" Х/ф.
00.00 Максер
01.30 Сериал "ЛАС ВЕГАС"
03.00-05.00 "КРАЙНИЕ МЕРЫ" Х/ф.

БИРИНЧИ

06.00, 08.00 "Доброое утро"
08.05, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 Контрольный закупка
09.00 "Жизнь заповедника"
10.00 Федеральный судья
11.20 Мотивный притвор
12.20 "Детективы"
12.30 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.30 "Хочу жить"
15.00 Т/с "Обручальное кольцо"
15.55 "ЖКХ"
17.00 Вечерние новости
17.15 Т/с "Сила"
17.50 "Путь рожденья"
18.50 "Путь рожденья"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Последняя встреча"
21.25 "Всё ещё одиночество"
22.30 Т/с "Борджина"

РОССИЯ 1

4.00 "Утро России".
8.05 "С новым домом".
9.00 "О самом главном".
10.00 13.00 15.00 19.00 "Вести".
10.30 13.30 15.30 "Местное время. Вести - Москва".
10.50 "Кулинария и партнерия".
12.00 Т/с "Тайны следствия".
13.50 "Вести. Дежурная часть".
14.05 Т/с "Ефросинья. Продолжение".
15.50 Т/с "Все к лучшему".
16.55 Т/с "Институт благородных девиц".
17.55 "Прямой эфир".
19.30 "Местное время. Вести".
19.50 "Словесной игры. Матч".
20.00 Т/с "Правила маскировки".
21.50 Т/с "Тайны следствия".
22.50 "Горюхи".
23.45 "Вести +".

НТВ

5.00 "НТВ утроем".
7.30 "Кремлевские дети".
8.30 "Чрезвычайное происшествие".
9.00 12.00 15.00 18.00 22.15 "Сегодня".
9.20 "Линия 90".
9.55 "До суда".
11.00 "Суд присяжных".
12.30 Т/с "Спутник".
14.30 17.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".
15.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
18.30 Т/с "Москва. Тир вокзал".
20.30 Т/с "Час Волкова".
22.35 Т/с "Дело Крапивина".
23.30 "В зоне особого риска".

РОССИЯ К

6.00 Канал "Евроновост".
9.00 14.50 18.30 22.30 "Новости кураева".
9.25 Х/ф "Административная власть".
11.10 Д/ф "Роберт Фолкон Скотт".
11.20 "Ветские романы XX века".
11.45 Д/ф "Московские усадьбы. Сюжеты из старинной жизни".
12.10 "Линия жизни". Сергей Баркин.
13.05 "Ветские театры мира".
"Бурятия".
13.30 Телеспектакль "Марин Иден".
14.30 Д/ф "Мировые сокровища культуры".
15.00 М/с "15.55 М/с "Присночтения Петрова и Яковлева".
15.45 Х/ф "Обручальное и непероанное".
16.55 Д/ф "Остров орангутанов".
17.30 "Неизбежные голоса".
18.00 "Век полета: взлет и судьба".
"Взлет через облака".
18.45 "Острова".
19.30 Д/с "Как создавались империи. Греция".
20.20 Д/с "На фоне Пушкина... 1937".
20.50 "Ветские романы XX века".
21.45 "Ветские театры мира".
21.55 "Оперные театры мира".
"Ла Скала".
22.10 Д/ф "Мировые сокровища культуры".
22.50 "Сфера".
23.35 Р. Штраус. "Четыре последние песни".

СТС

5.00 13.00 М/с
6.00 Т/с "Новости".
7.00 Т/с "Светофор".
7.30 Т/с "Даша молдазева".
8.00 8.30 12.50 Т/с "6 кадров".
12.00 12.30 14.30 "Ералаш".
15.30 18.00 Т/с "Пашини догаси".
16.30 "Пашини".
17.30 Т/с "Даша молдазева".
18.30 Т/с "Воронины".
19.00 Т/с "Амзонг".
19.30 Т/с "Медведь Лавров".
21.00 Х/ф "48 часов".
23.00 Шоу "Уральских телеведущих".
Лучше.
23.30 Т/с "Как я встретил вашу маму".

ТВ3

6.15 15.00 "Как это сделано".
6.45 Д/ф "Жизнь по законам звезд".
7.15 14.00 Т/с "Зеркальный мир".
8.15 "Далко и еще дальше" с М. Кожуховым.
9.15 Т/с "Никит".
11.00 Т/с "Говорящая с призраками".
12.00 18.00 Т/с "Мужчина во мне".
13.00 Д/ф "Человек: право на вечную жизнь".
15.30 Д/ф "У вас будет ребенок-иниш".
16.00 Д/ф "Жизнь после людей: опухли, аду".
17.00 Т/с "Говорящая с призраками".
19.00 Д/ф "Алкоголизм: Ядерная катастрофа".
20.00 Т/с "Собитие".
21.00 Х/ф "Полночный экспресс".

ОЎЗБЕКИСТОН

5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иқлим".
7.05 "Олам ва одам" дастури: "Замин паройишлари".
7.20 "Ўнгилик қўлиқ истайди".
7.25 "Сўнгги қирғоқчи", Т/с.
8.00 "Ахборот".
8.40 - 9.00 "Малайикат" дастури.
9.00 "Икки дўст", Т/с.
9.10 ТелеГейт: "От йиланган томонда".
9-қисм.
9.50 Наманган вилоят телерадиоком-
паниясининг намоиши элари.
10.10 "Мудаббат томи", Т/с.
10.55 ТВ - шифокор".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Шаҳар чепдани шифокорни", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Ўнгилик қўлиқ истайди".
13.00 "Ахборот" Лидия/
13.10 "Хайт қўлиқчи", Т/с.
"Болалар сайераси".
13.45 "Сериал қўлиқ", М/с.
14.00 "Ахборот".
14.20 Ўзбекистон Республикасининг
мустақиллигининг 20 йиллигига.
"Келасизка қўлиқ".
14.40 "Биз қанчалар".
15.00 "Олам ва одам" дастури: "Сир".
15.45 "Тексдор қўлиқлар".
15.55 "Ойдин қўлиқ". Ток-шоу.
16.40 "Икки дўст оралиши".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Навоийнинг ақли".
"Болалар сайераси".
17.35 "Эртасиз - яшасизка етасиз".
17.55 "Иқлим".
18.00 "Ўнгилик қўлиқ истайди".
18.05 "Сўнгги қирғоқчи", Т/с.
18.45 "Қўлиқ мавзуси".
18.55 "Одамларнинг бери".
19.15 "Ўнгилик қўлиқ".
19.20 "Сезилган ақаллисини".
19.25 - 20.00, 20.55 Ўзбекистон.
19.30 "Ахборот" рус/
20.10 "Ўнгилик мери".
20.20 "Хайт қўлиқчи", Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Мўназир қўлиқлар".
21.55 "Мудаббат томи", Т/с.
22.45 "Шаҳар чепдани шифокорни", Т/с.
23.35 - 23.55 "Одамларнинг бери".
23.55 Қўрсатувлар дастури.
00.00 "Ойдин қўлиқ". Ток-шоу.
00.45 "Ўнгилик қўлиқ" дастури:
"Қўлиқчи мўназирлар".
00.55 "Ўнгилик қўлиқ истайди".
1.00 "Ахборот" рус/
1.35 - 2.35 "Малайикат" дастури.
2.35 "Навоийнинг ақли".
2.55 "Ўнгилик мери".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.35 ТелеГейт: "От йиланган томонда".
5.15 "Ўнгилик қўлиқ бери".
5.30 "Икки дўст оралиши".
5.50 - 5.55 "Ўнгилик".



6.00 "Дастуриятини оқиёиши".
6.10 "Ўнгилик қўлиқ".
6.40 "Ўнгилик қўлиқ".
7.10 "Ўнгилик қўлиқ".
7.40 "Ўнгилик қўлиқ".
8.00 "Ўнгилик қўлиқ".
8.40 "Ўнгилик қўлиқ".
8.50 "Ўнгилик қўлиқ".
9.20 "Ўнгилик қўлиқ".
9.30 "Ўнгилик қўлиқ".
10.00 "Ўнгилик қўлиқ".
10.10 "Ўнгилик қўлиқ".
10.30 "Ўнгилик қўлиқ".
10.50 "Ўнгилик қўлиқ".
11.20 "Ўнгилик қўлиқ".
11.40 "Ўнгилик қўлиқ".
12.00 "Ўнгилик қўлиқ".
12.50 "Ўнгилик қўлиқ".
13.00 "Ўнгилик қўлиқ".
13.10 "Ўнгилик қўлиқ".
13.30 "Ўнгилик қўлиқ".
13.40 "Ўнгилик қўлиқ".
14.00 "Ўнгилик қўлиқ".
14.40 "Ўнгилик қўлиқ".
15.40 "Ўнгилик қўлиқ".
15.50 "Ўнгилик қўлиқ".
16.00 "Ўнгилик қўлиқ".
16.10 "Ўнгилик қўлиқ".

яна қўлиқчи".
16.50 "Ўнгилик қўлиқ".
17.35 "Ўнгилик қўлиқ".
18.30 "Ўнгилик қўлиқ".
18.50 "Ўнгилик қўлиқ".
19.00 "Ўнгилик қўлиқ".
19.30 "Ўнгилик қўлиқ".
18:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
21:05 "25-кадр" киноқўрсатuvi
21:30 "Долзарб мавзу" кўрсатuvi
22:20 "Ҳеч қачон" "ИҲҚ" дема
б/ф премьера
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Пайшанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35 14:40 15:45 19:00 "Форум вақти"
06:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 "25-кадр" киноқўрсатuvi
08:30 11:00 15:20 "Хориж хабарлари"
08:35 10:45 11:45 15:30 19:15 00:15 НТТда мусиқа
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иштироблари" т/с
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Онлайн хабарлари"
10:05 "Ижод лаззати" кўрсатuvi
10:35 Қўтилмаган томоша
11:00 "Ҳаёт қадри" т/с (58-қисм)
12:05 "Ҳеч қачон" "ИҲҚ" дема
б/ф
14:00 "Янги кайфият"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:25 "НТТ спорт"
17:00 "Хазина" телешоувикторияси
18:05 "Карина-Карина" т/с (129-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
21:00 "Тошойна"
22:20 "Сукунат" б/ф
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"
06:35 14:40 15:45 19:00 "Форум вақти"
06:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 "Тошойна"
08:30 "Хориж хабарлари"
08:35 11:45 15:30 19:15 00:15

НТТда мусиқа

09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иштироблари" т/с
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"
10:05 "Дилдор ширин" дам олиш кўрсатuvi
11:00 "Хориж хабарлари"
11:05 "Ҳаёт қадри" т/с (59-қисм)
12:05 "Сукунат" б/ф
13:45 "Келажак овози" тала концерти
14:00 "25-кадр" киноқўрсатuvi
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:20 "Хориж хабарлари"
15:25 "НТТ спорт"
17:00 "Хазина" телешоувикторияси
18:05 "Карина-Карина" т/с (130-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
21:00 "Тахил"
21:30 "Долзарб мавзу" кўрсатuvi
22:20 "Изакув" б/ф премьера
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Жума

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Пойтахт хабарлар"
06:35 14:40 15:45 19:00 "Форум вақти"
06:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатuvi
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 "Тахил"
08:30 15:20 21:00 "Хориж хабарлари"
08:35 10:45 11:45 15:30 19:15 00:15 НТТда мусиқа
09:00 12:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иштироблари" т/с
09:45 16:45 19:30 "Бизнес-промо"
10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Буни ҳаёт дейдилар" кўрсатuvi
10:35 Қўтилмаган томоша
11:00 "Хориж хабарлари"
11:05 "Ҳаёт қадри" т/с (60-қисм)
12:05 "Изакув" б/ф
14:00 "Тошойна"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
15:00 20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
15:25 "НТТ спорт"
17:00 "Хазина" телешоувикторияси
18:05 "Карина-Карина" т/с (131-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"

20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
21:05 "Қопқон" кўрсатuvi
22:20 "Ошқолар" б/ф
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35 16:30 "Форум вақти"
06:45 Ёшлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:30 19:45 "Оналик бахти" кўрсатuvi
07:00 "Янги кайфият"
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур
08:00 Болалар соати
09:00 15:00 "Хориж хабарлари"
09:05 "Мухаббат иштироблари" т/с
11:15 15:40 19:50 00:15 НТТда мусиқа
11:35 "Ошқолар" б/ф
13:30 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
15:05 "Эспайсизм" дастури
15:20 Қўтилмаган томоша
15:35 "Пойтахт хабарлар"
16:00 "25-кадр" киноқўрсатuvi
16:45 19:30 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторияси
18:00 "Ҳеч қачон" "ИҲҚ" дема б/ф
20:00 "Парламент соати"
20:20 "Эспайсизм" кўрсатuvi
20:30 "Озод шоу" кўнглилар кўрсатuvi
21:30 Кечки кинозал: "Биз уршанимизда" б/ф (Ҳиндистон)
00:30 Тунингиз хайрли бўлсин!

Якшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00 16:00 20:20 "Форум вақти"
07:25 Кинотабассум
07:30 Информацион блок
08:00 Болалар соати
09:00 "Мухаббат симфонияси" т/с
11:55 19:45 "Оналик бахти" кўрсатuvi
12:00 "Озод шоу" кўнглилар кўрсатuvi
13:00 "Биз уршанимизда" б/ф (Ҳиндистон)
16:15 "Тошойна"
16:45 19:30 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторияси
18:00 "Изакув" б/ф премьера
19:50 Хафиз спорти
20:00 "Ижод лаззати"
20:30 "Форум хабарлари"
21:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури
22:30 "Трансформерлар 1" б/ф
00:30 НТТда мусиқа
00:45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Телефонингизни қанчалик тез янгилайсиз?

Recon Analytics таҳлил агентлиги аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва мобил алоқаси ривожланиши турлича бўлган 14 мамлакатда тадқиқот ўтказди. Шу тариқа Бразилия, Канада, Финляндия, Франция, Германия, Хиндистон, Исроил, Италия, Япония, Жанубий Корей, Мексика, ЖАР, Буюк Британия ва АҚШ бозори ўрганилди ва кишилар эски телефонларини қанчалик тез янгилаб туришларига ойдинлик киритилди.

Демак, натижалар билан танишамиз. Эски мобил телефонларидан энг тез воз кечадиган халқ америкаликлар экан. АҚШ-



да битта телефон аппаратининг “умри” ўртача 21,7 ойни ташкил этади. Шунингдек, британияликлар ва корейликлар ҳам телефонларини тез-тез янгилаб туришаркан: ўртача 22,4 ва 26,9 ой.

Бразилияликлар ва хиндлар эса, аксинча, битта телефонни 80,8 ва 93,6 ой ишлатишади — бу 7-8 йил дегани. Аҳоли даро-

мади пастлигининг бунга асло дахли йўқ. Масалан, нисбатан ўзига тўқ Исроил ва Финляндия фуқаролари ўртача 76,5 ва 74,5 ой деганда телефонларини алмаштиришса, улардан икки-уч барабар кам пул топувчи мексикаликлар ва жанубий африкаликлар қўл телефонни ўртача 39,6-38,2 ой, яъни икки барабар кам муддат ишлатишлари маълум бўлди.

Хулоса шу бўлдики, аҳоли даромади ва тўлов тизимлари телефонлар эксплуатацияси муҳлатига таъсирини ўтказаркан, аммо энг асосий омил барибир миллий хусусий эканлиги эътироф этилди.

Асосийси — энергияни тежайди

Fujitsu компанияси International Digital Publishing Expo кўргазмасида кейинги авлод рангли “электрон қоғоз” букридер прототипини намойиш қилди. Бу авлод букридерлари дисплейи учун холестерик суюқ кристаллар асос қилиб олинган.

Японларнинг ишланмаси 8 дюймлик диагоналга эга бўлиб, 1024x768 пиксел ўлчамли, экрани 4096 хил рангни акс эттирилади. Энг асосийси — қурилма энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради.



Онлайн видеоижара

АҚШ ва Канадада оммалашган онлайн видеоижара хизматига эга Netflix компанияси жорий йил яна 43та мамлакат бозорига чиқишини маълум қилди.

Netflix АҚШда 2007 йили электрон почта орқали DVD-дискларни ижарага бериш орқали танилганди, 2010 йили Канадага кириб келди. Ҳозир 23 миллион обуначиси бор. Бир сўз билан айтганда, масалан, АҚШда қонуний фаолиятга эга Netflix барча қароқчилик файл алмашинув сайтларини ортда қолдириб кетди: хизмат нархи ойига — 7,99 доллар, йилига — 95,88 долларни ташкил этади.

Хизмат нархи ошиб кетмаслиги учун асосан ўтган мавсумдаги сериаллар, филмлар, телешоулар мижозларга таклиф этилмоқда.

Netflix дастурларини компютерда, ҳар хил телекурилмалар, смартфон ва планшетларда томоша қилиш мумкин.



Биринчи ултрабукни ким чиқаради?

Intel илгари сураётган ултрабуклар концепциясини биринчи бўлиб HP компанияси амалга ошириши эҳтимолдан йироқ эмас. Компания барча етакчиларни, хусусан, ҳозир UX21 Ultrabook устида иш олиб бораётган ASUSни ҳам ортда қолдирмоқчи.

HP икки ва ундан ортиқ турдаги ултрабуклар чиқариши мумкин. Компютерларга икки ядролу Intel Core i7-2677M (1,8 ГГц) ва i7-2637M (1,7 ГГц) процессорлари ўрнатилиши кутиляпти.


Янги қурилмалар савдоси сентябр ойида бошланиши режалаштирилган.



Америка бозори тикланмоқда

Ҳар йили жаҳон бўйлаб технологик бизнес-иқлимни тадқиқ қилиб борувчи KPMG компанияси прогнозларига кўра, жорий йилда ахборот технологиялари компаниялари энг кўп даромадни Америка бозоридан олишади. Ҳолбуки, икки йил аввал етакчилик Хитой ва Хиндистонга тегишли эди.

Тадқиқот натижалари АҚШ бозори даромад келтириш борасида Хитой, Бразилия ва Хиндистон бозорларини ортда қолдиришини кўрсатаяпти. Мутахассислар бу ҳолатни глобал иқтисодий инқироздан кейин Америка бозорининг тикланиётгани ва компаниялар ахборот технологиялари бўйича харажатларини ошираётгани билан боғлашмоқда.



Тармоқ учун янги инвестициялар

Twitter микроблоглар тармоғи бизнесини кенгайтириш ва сервис имкониятларини яхшилаш учун янги инвестициялар жалб этди.

Баъзи хабарларга қараганда, ҳозир Twitter тахминан 7 млрд. долларга баҳоланяпти. Ўтган йилгига солиштирилса, компания икки барабар қимматлашган.



Windowsни сотиш қийинлашяпти

Microsoft корпорацияси учинчи молиявий чоракда Windows савдоси кутилган натижани бермаганини хабар қилди. Янги компютерлар сотилишидаги пасайиш ҳамда қатор фойдаланувчиларнинг Apple iOS ва Google Android каби тизимларда ишловчи планшетларга ўтиб кетишгани бунга сабаб қилиб кўрсатилляпти.



Мувозанат бузилди

Жаҳон бўйича microSD шаклдаги хотира карталари захираси меъёридан ошиб кетди, энди ишлаб чиқарувчилар ҳам тайёр маҳсулот, ҳам уларда қўлланилган флэш-хотира чиплари баҳосини пасайтиришларига тўғри келади, дея хабар беради Тайваннинг DigiTimes наشري.

Маълумки, бу карталар мобил телефон ва планшет компютерларда, рақамли камера ва медиаплеерларда ахборот сақлаш учун кенг қўлланади. Энергия талаб қилувчи флэш-хотиралар шунингдек, алмаштирилган хотира карталари ва USB-сақлагичларда, компютерларнинг SSD-дискларида ишлатилади.

Нашрда ёзилишича, меъёрнинг бузилишига ишлаб чиқарувчиларнинг талабни яхши ўрганмаганлари сабаб бўлган.



Кибержиноятчилар маскани



Твенте университети (Нидерландия) олимлари Quarantainenet компанияси билан биргаликда махсус тадқиқот ўтказиб, қуйидаги хулосага келишди: аҳоли жон бошига энг кўп кибержиноятчилар Россиянинг Челябинск шаҳрига тўғри келади. Иккинчи ўринда — Куала-Лумпур (Малайзия), учинчи ўринда — Буэнос-Айрес (Аргентина).

Шунингдек, Сеул, Тайбэй ва Пекин шаҳарлари етакчилар рўйхатига киритилди. Интернетдаги жиноий фаоллик қайси шаҳарда кўп кузатилишини аниқлаш учун аҳолиси 1 миллиондан ортиқ шаҳарларда кузатишган сўнгги киберхужумлар ҳақидаги маълумотлар асос қилиб олинди. Масалан, Челябинскда ҳар миллион кишига 120та киберхужум тўғри келган.

Nokia Япониядан кетади

Nokia Япония телефон бозоридан кетиши ҳақидаги гап-сўзларни тасдиқлади. Шу ой охирида компания Кунчикар юрдаги сўнгги Vertu элита телефонлар дўконини ёпади. Шунга қарамадан, компания япон ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликни сақлаб қолишга ваъда берган.



Назариядан амалиётга

Ёки ёшларнинг битирув малакавий ишлари нашр этилди

Президентимиз томонидан 2011 йил 23 февралда қабул қилинган "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматини янада сифатли такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида кўпгина вазифалар кўрсатилган.

Айниқса, электрон кутубхона ва улар учун электрон ресурслар яратадиган, йиғма электрон каталог тузадиган, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдалана оладиган ва улардан фойдаланишни бошқаларга ўргата оладиган юқори назарий билимга, амалий кўникмага ва иқтидорга эга мутахассисларни тайёрлаш Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети зиммасида эканлиги ҳаммага аён. Ҳар иккала олий ўқув юртида бундай муҳим вазифаларни бажаришга ҳаракат авжида, зарур ўқув қўлланмаларни, электрон ресурсларни яратиш жараёнлари га талабалар фаол жалб этилган.

Жумладан, Тошкент Давлат маданият институтининг ахборот-кутубхона фаолиятини бошқарув факултети битирувчиси Гулчехра Раҳматуллаева устози, педагогика фанлари номзоди, доцент Ҳамроҳон Маматраимова илмий раҳбарлигида Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан шоир биоиблюграфиясини тузди ва у Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан чоп этилди.

Битирувчи илмий раҳбари ёрдамида шоир асарларини ва у ҳақида асарларни мукаммал тўплашга ҳаракат қилган бўлса-да, унинг тўлалигига даъво қилмайди. Чунки, айрим сабабларга кўра, шоирнинг хорижий мамлакатларда нашр этилган асарлари ҳақида маълумотларни тўлалигича йиғи олмаган.

ТАТУнинг "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" йўналиши битирувчиларининг ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Талаба Акбар Усанов Республика ФА Тил ва адабиёт институти ходимлари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда ҳамда уларнинг раҳбарлигида (илмий раҳбар профессор М.Раҳматуллаев) "Алишер Навоийнинг 20 томлик мукаммал асарлар тўпламининг тўла матнли маълумот-

лар базаси"ни яратди. База интернетга жойлаштирилиб, МКнинг электрон ресурслар фондидан жой олди. Шерзод Муҳаммаджонов томонидан академик олим, навоийшунос Азиз Қаюмовнинг 10 томлик асарлар тўпламидан ажратиб олинган Алишер Навоий асарларининг илмий талқинлари тўла матнли маълумотлар базасининг яратилиши (раҳбар З.Бердиева) ҳам юқоридаги иш каби буюк бобомиз таваллудининг 570 йиллик

тўйига ажойиб тўхфа бўлди. Талаба Шахло Отахонованинг Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 75 йиллик юбилеи муносабати билан яратган "Э.Воҳидов асарларининг маълумотлар базаси", И.Мирзаевнинг барча турдаги кутубхоналар фаолиятида зарур бўладиган муаллифлик жадвалларининг КАРМАТ тизимида ўрнатилиши ҳам эътиборни тортиди ва ахборот-кутубхона фаолиятида, жумладан, МК фаолиятида қўлланишга тавсия этилди. Маданият институти битирувчиси Ҳабиба Абдубаитованинг (раҳбар З.Бердиева) "Эркин Воҳидов биоиблюграфияси" номли БМИ ҳам ҳозирги кунда нашрга тайёрланмоқда.

Бу каби ишлар соҳага оид ютуқларимизнинг дастлабки кўринишлари, холос. Келгусидаги режаларимиз анчагина ва, албатта, бундай катта қўламли, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўладиган ишларни профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда ва уларнинг раҳбарлигида амалга ошириш ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳам тараққий этишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Зухра БЕРДИЕВА,

ТАТУ "Ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси

Бу йилги талабаларнинг кўплаб битирув малакавий ишлари нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги республикамизнинг йирик кутубхоналари фондида жалб этилди.

WI-FI

асосида корпоратив алоқа тармоқларини ташкил этиш

Сўнгги йилларда жаҳон корпоратив тармоқларига Wi-Fi технологиялари (IEEE 802.11 стандартлари оиласи) жадал татбиқ этилмоқда. Бозорда Wi-Fi технологиялари бу даражада тез ривожланишининг асосий сабаби симсиз адаптерлар баҳосининг тушиши бўлди.

Wi-Fi технологияси бўйича симсиз фойдаланувдаги корпоратив тармоқларни шартли равишда ташқи (outdoor) ва ички (indoor) қисмларга бўлиш мумкин.

Тармоқ сифати кўп жиҳатдан лойиҳалаш сифати билан аниқланади. Wi-Fi офисичи тармоқларини яратишда талаб қилинаётган хизмат кўрсатиш зонасида сигнални ишончли қабул қилишни таъминлаш ва ўрнатилаётган фойдаланув нукталари сонини минималлаштириш учун радиоразветка ўтказиш керак. Радиоразветка ўтказётганда уску-



2-расм. Фойдаланув нукталарини битта контроллер бошқарадиган тармоқ ташкилотининг демарказлаштириш схемаси.

надан фойдаланув нукталаридан бири ва дастурий-аппарат ўлчаш комплексидан фойдаланилади. Ушбу комплекс Wi-Fi адаптери билан жиҳозланган портатив компьютер ва ихтисослаштирилган дастурий таъминот (масалан, Ekahau) дан тузилган. Бундай ишларнинг олиб борилиши мураккаб геометрияли хоналар, қалин деворлар, ойналарга эга катта объектларда долзарб ҳисобланади.

Wi-Fi офис тармоқларини ускуналарга боғлиқ равишда ташкил этиш схемалари вариантлари 1 ва 2-расмларда кўрсатилган.

Хизмат зонаси катта бўлган тақсимланган корпоратив тармоқларни ташкил этиш вазифаси 802.11 стандарти доирасида демарказлаштирилган қурилиш схемасига асосланган MESH-топологиясини (3-расм) реализация қилиш йўли билан ечилади. Бунда ҳар бир фойдаланув нуктаси Layer 2, 3 даражасидаги функцияни бажаради.

Бундай тармоқ кўп жиҳатдан сотали архитектурасини такрорлайди. Битта сотада 10дан 30тагача фойдаланув нукталари жойлаштириш мумкин. Шундай нукталардан бири магистралга оптик ёки ўтқа-


зувчи кабел орқали уланади. Тугунли фойдаланув нуктаси, сотадаги бошқа фойдаланув нукталари каби, бир-бири билан транспорт радиоканали орқали бирлашади. Муайян ечимга биноан фойдаланув нукталари фақат транспорт функцияларини ёки фақат абонентлик фойдаланиш функциясини ёхуд иккала функцияни бир вақтнинг ўзида бажариши мумкин.



3-расм. MESH-топологияси бўйича тармоқни ташкил этиш.

Транспорт канали ҳолатини назорат қилиш ва фойдаланув нукталари ўртасида оптимал йўналиш бўйича динамик маршрутизацияни қўлаб-қувватлаш имконини берувчи махсус протоколлардан фойдаланиш MESHнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бирор-бир нукта ишламай қолса трафик бошқа маршрутга автоматик тарзда йўналтирилади ва бу трафикни адресатга нафақат етказиб бериш, балки максимал тарзда узатиш имконини беради.

Асрор АБДУРАҲМОНОВ,
ТАТУ РРТ факултети
3-босқич талабаси



1-расм. Ҳар бир фойдаланув нуктасини WLAN Switch ёки симсиз контроллер бошқарадиган тармоқ ташкилотининг марказлаштирилган схемаси.

Хитой. Беш минг йилликдан ортиқ тарихга эга Ер юзидаги қадимий давлат, қоғоз, ипак, порох, чой ва бошқа кўплаб кашфиётлар ватани. Буюк Хитой девори, ўзига хос меъморий ечимга эга иншоотлар, ибодатхоналар, императорлар саройлари, буларнинг барчаси Чин мамлакати донишмандлиги маҳсули сифатида ҳамон дунё халқларини лол этиб келмоқда.

Хитойликлар дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақли равишда фахрландилар. Минг йиллик ўтмишдан ҳикоя қилувчи асарлар, қўлёзма ва битиклар мамлакат дурдонаси ҳисобланган Хитой Миллий кутубхонасида сақланиб келинмоқда.

Чжунго гошя тушугуан

Хитой Миллий кутубхонасига 1909 йилда "Пойтахт ўқитувчилар кутубхонаси" сифатида Хитойнинг сўнгги Чин сулоласи ҳукумати розилиги билан асос солинган. 1911 йилги Синхай инқилобидан сўнг "Пойтахт ўқитувчилар палатаси" Пекин университетига айлантирилди, кутубхона эса орадан бир йил ўтиб Таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, барча фойдаланувчилар учун очиб қўйилди. 1916 йилда унга мамлакат бош кутубхонаси вазифаси юклатилди. Ниҳоят, 1998 йилда Давлат кенгаши кутубхона номи "Чжунго гошя тушугуан" (Хитой Миллий кутубхонаси) тарзида ўзгартиришни тасдиқлади. 1930 йилда қабул қилинган матбуот тўғрисидаги қонунга кўра, мамлакатдаги барча босма маҳсулотлар кутубхона архивидан рўйхатдан ўтказила бошланди. Бир йилдан сўнг эса кутубхона учун махсус бино қурилди. Ҳозир архивлар шу бинода сақланади. Бу ерда икки миллиондан ортиқ ҳужжатлар мавжуд.

Чин мамлакати дурдонаси



Хитой Миллий кутубхонаси кенг қамровли илмий кутубхона бўлиб, миллий публикациялар сақловхонаси, миллий библиографик марказ, кутубхона-ахборот тармоғи ва илмий-техник кутубхоналар Миллий маркази ҳамда Тараққиёт маркази ҳисобланади.

1998 йилдан кутубхонада электрон каталог жорий этилиб, ALEPH 500 дастуридан фойдаланишга киришилди. Шу билан бирга, бўлим ходимлари олдида электрон кутубхона хизматларини кўрсатиш вазифаси қўйилди. Бугунги кунда кўплаб хитой кутубхоналарида автоматлаштирилган тизим ва каталоглаштиришни MARC форматида ёзиб олиш дастури яратилган. Миллий кутубхонанинг онлайн маълумотлар базасидан бошқа кутубхоналар ҳам фойдаландилар. Мазкур базани тўлдириш учун миллий кутубхона доимий тарзда бошқа кутубхоналардан библиографик ёзувлар ва фон-

Хитой Миллий кутубхонасининг умумий ер майдони 25 минг квадрат метрга тенг бўлиб, катталиги жиҳатидан дунёда Вашингтон ва Париждаги кутубхоналардан кейин учинчи ўринда туради.

длар ҳақидаги маълумотларни олиб туришни режалаштирган. Шу тарзда Хитой Миллий кутубхонаси ўзининг онлайн каталоглаштириш марказида бўлмаган айрим маълумотларга эга бўлмоқчи. Айни дамда маълумотлар базаси тахминан 1,2 миллион библиографик ёзувларга тенг ва ҳар йили тахминан 100000 янги монографияларнинг ёзувларига тўлдирилмоқда.

Мамлакатимизда:

2015 йилга қадар 6 038 донa компьютер билан жиҳозланган 1 815та электрон кутубхона заллари ташкил қилиш, шунингдек, 400 мингга яқин китобни электрон шаклга ўтказиш режалаштирилмоқда.

Кутубхона янги бинода

2010 йилда кутубхона учта бинога жойлаштирилди. Асосий бино 1987 йилда қурилган эди. 1937 йилда қурилган эски бино 1987 йилгача асосий бино сифатида фойдаланилган. Айни кунда бу бинода кутубхонанинг қадимий китоблар бўлими (NLC Ancient Book Library) жойлаштирилган. 2008 йилнинг 9 сентябрида асосий бинонинг шимолида янги бино фойдаланишга топширилди. Ушбу бино ечим устида невис меъморлари Юрген Энгел ва Михаэл Циммерман иш олиб боришган. Улар ўз ишларида Хитой миллий меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий қурилиш услубларини мужассамлаштирганлар.

Умумий майдони 80500 квадрат метр бўлган ушбу янги бинода ўқув зали, китоблар сақловхонаси, маълумотлар электрон базаси, шунингдек, қадимий қўлёзмалар экспозицияси жойлашган ва ҳар куни саккиз минг ўқувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бино интернетга симсиз уланган 460та компьютер билан жиҳозланган. Бундан ташқари, бинода қадимий манускриптлар ва қўлёзма асарлар учун кўргазма мажмуаси ҳамда 200 терабайт ахборотга эга рақамли кутубхона мавжуд. Маърузаларни трансляция қилиш ва турли кўргазмаларни ташкиллаштириш учун махсус кабел телеканаллини очиб, шунингдек, кутубхона маълумотларига қизиққан аъзоларга SMS-хабарлар жўнатишни жорий этиш ҳам режалаштирилган. Ўқув залининг ноутбуклар билан жиҳозлангани керакли маълумотлардан симсиз алоқа орқали фойдаланиш имконини беради.

Кутубхона йилнинг 365 кунинда фойдаланувчилар учун очиб, онлайн-хизматлар эса сутканинг 24 соати давомида турли коммуникация воситалари ёрдамида хизматта шай.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ
тайёради



Қизиқ факт

Бугунги кунда энг йирик электрон кутубхона Бутунжаҳон рақамли кутубхонаси ҳисобланади. Унинг тантанали очилиш маросими 2009 йилнинг 21 апрелида бўлиб ўтган. АҚШ Конгресси кутубхонаси мазкур глобал лойиҳанинг муассисидир.

Ушбу ноёб кутубхонанинг ташкил этилиши туфайли миллионлаб инсонлар турли мамлакатларнинг маданияти, адабиёти хазиналаридан бепул баҳраманд бўлмоқдалар. Ўзбекистонда, кутубхона фондидан Ўзбекистонга тааллуқли нодир ҳужжатлар ҳам жой олган.

Кутубхонанинг расмий веб-сайти: <http://www.wdl.org>

Тафаккур офтоби

Китоб — офтоб. Курраи заминни қуёш яшнатса, инсон қалбини китоб ёритади. Китобни маънавият ёғдуси деб таърифласак ярашади. Чиндан ҳам китобга ошно кўнгил яхшиликка, эзгу ишларга тўлиқ бўлади. Шу боис мамлакатимизда замонавий зиё масканлари кўпайиб, китоб тарғиботига бўлган эътибор кучайтирилмоқда.

Яқинда ана шу мавзуга бағишланган тадбирлар Марғилон шаҳри ва Тошлоқ туманида бўлиб ўтди. Марғилон шаҳридаги 16-умумтаълим мактабининг ахборот-ресурс марказида ўтказилган китоб марафони "Китобдан яхшироқ дўст бўлмас" деб

номланди. Ушбу тадбирда шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли барча мактабларнинг АРМ раҳбарлари, фаол китобхонлар иштирок этишди. Анжуман қатнашчилари ташаббускор мактаб кутубхоначиларидан бир қатор иш тажрибаларини ўрганишди.

Тошлоқ тумани ахборот-ресурс марказида ташкил этилган "Тафаккур офтоби" деб номланган бадиий кечада АРМнинг барча тармоқларидаги фаол китобхонлар қатнашди. Улар китобни таърифловчи шеърлар ўқиди, ҳикматли сўзлардан намуналар айтиб беришди.

"Ҳар доим китоб ҳамроҳ бўлсин"

шиори остида яқунланган тадбирда М.Зокирова раҳбарлигидаги 9-тармоқ китобхоналари А.Ҳақимова, А.Комилова, З.Тоҳирова, 3-тармоқ фаол китобхони С.Жобираваларга "Нуроний" жамғармасининг туман бўлими ижрочи директори А.Тошбоев эсдалик совғалари топширди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб марказимизда "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" мавзусида ҳам тадбир ўтказишга катта тайёргалик кўряпмиз, — дейди туман АРМ раҳбари У.Хонтўраева.

М.МАҲМУДОВ

Бугун дунёда кечаётган ўзгаришлар, янгилликлар жаҳон жамоатчилигини бефарқ қолдирмайти. Афсуски, диний экстремизм ва фундаментализм каби оқимлар жиддий можаролар ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Маълумки, "фундаментализм", "экстремизм", "терроризм" каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Экстремизм қандай номланиб, қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборатдир.

Бундай зарарли оқимларнинг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад ҳам минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низо-ларни вужудга келтириш, охир-оқибатда эса ҳокимиятни қўлга киритишдан иборат эканлиги сир бўлмай қолди.

Ўзларининг ислом динининг "ҳимоячилари" деб кўрсатишга уринаётган террорчиларнинг асл нияти чинакам исломий қадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бугун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эканлигига шубҳа йўқ. Бироқ, аслида мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳақиқий исломий қадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчиллик билан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосини айнан тинчликпарвар ғоя, давлатлараро ва миллатлараро тотувлик, минтақа ҳамда дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби эзгу мақсадлар ташкил этишини бугун бутун жаҳон ҳамжамияти яхши англаб, эътироф этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбарининг турли нуфузли минбарлардан туриб Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик, минтақавий можаролар, миллатлараро зиддиятлар, экологик муаммоларга қарши кураш борасида баён этган фикр ва ташаббуслари дунё микёсида қўллаб-қувватланмоқда, уларни ҳаёtgа татбиқ этиш энг мақбул йўл эканлиги ҳам эътироф этилмоқда.

Шу ўринда халқаро терроризм ва диний экстремизм эндигина учкунлай бошлаган ўтган асрнинг 90-йиллари бошида, яъни 1993 йилдаёқ Президентимиз энг юксак халқаро минбар — БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб, бир қатор амалий тақлифларни илгари сурганилини таъкидламоқ жоиз. Ана шу йўналишда халқаро микёсда олиб борилаётган аксилтеррор ҳаракатларни қўллаган ҳолда мамлакатимиз ҳали ҳам Афғонистон муаммосини тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафлори бўлиб келмоқда.

Тан олиш керакки, янги аср дунёнинг барча бурчакларида зўравонлик ва террорчилик ҳаракатларининг авж олиши билан бошланди. Ер юзининг ҳали у, ҳали бу ерида п орлатишлар ва ўзини қурбон қилишлар одат тусига кириб қолди. Шу боис,



Т. МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати,
социология фанлари номзоди

Аср балоси

Бугун инсоният глобал қарама-қаршиликлар, геосиёсий ўйинлар авжига чиққан таҳликали замонда яшайпти. Бундай шароитда хушёрликни ҳар қачонгидан ошириш, дўст киму душман ким, ажрата олиш талаб этилади.

"террор"нинг асл маъноси нима, террорчиларнинг ўзлари ким ва улар аслида қандай мақсадни кўзлашади, деган саволлар бугун ҳаммани ўйлантириб, ташвишга солмоқда. Юртбошимизнинг БМТ юксак минбаридан туриб жаҳон ҳамжамиятини террор балосининг хатари ва даҳшатли оқибатларидан огоҳлантириши бежизга эмасди. Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шундай террорчилик хуружларидан холи эмас. 1999 йил 16 феврал кунин Тошкентдаги кўпурчилик ҳаракатлари, 2004 йил 29-31 март ва 1 апрел кунлари Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилоятидаги портлашлар ва хунрезликлар, 2005 йил 13 май кунин Андижондаги қонли воқеалар мамлакат тинчлиги ва оқошталлигига қарши қаратилган террорчилик ҳаракатлари бунга мисол бўла олади.

Луғатда "қўрқитиш, ваҳима солиш"ни англатувчи "террор" атамаси аслида жуда кенг маъноларни қамраб олган. Бугунги кунда эса бу атама фақат радикал кайфиятдаги мафкураларга тобе гуруҳлар олиб бораётган қуролли курашга нисбатан ишлатилапти.

Террорчилик кеча ё бугун пайдо бўлган ҳодиса эмас. Инсоният ўз тарихида террорчилар томонидан ўйлаб чиқарилган, на диний, на ҳаётий ҳақиқатга мос бўлган "ғоялар" йўлида олиб борилган ва юз минглаб мутлақо бегуноҳ одамлар ҳаётига зомин бўлган жуда кўп ғожиали воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлди.

Маълумотларга кўра, бугунги

кунда дунёда 500га яқин террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ислом ниқоби остида ёки бу диннинг номи билан фаолият олиб боришяпти. "Ал-Жиход ал-исломий" (Ислом жиҳоди), "Ал-Қоида" (Асос), "Лашкари жиҳод", "Қуролли исломий ҳаракат", "Туркистон Ислом ҳаракати", "Ислом фронти" ва ҳақозо.

Аслида террорчилик ҳаракатларининг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки тинчлик, инсонпарварлик ва раҳм-шафқат дини бўлган ислом ҳеч қачон зўравонликни, бировлар жонига қасд қилишни, адолатсизликни тарғиб қилмаган, қилмайди ҳам.

Ана шундай қабилликларга қўл урганлар ўзларининг динга қаттиқ эътиқод қўйганлари ҳақида қанча-

лик лоф урмасинлар, аслида бу ишларни одамлар қалбидан дин-иймонни йўқотиш учунгина қиладилар. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг мақсади илоҳий динни ҳақоратлаш, одамларни ундан четлаштириш ва уларнинг қалбида иймонли одамларга нисбатан нафрат ва ғазаб уйғотиш, холос.

Шундай экан, бугунги кунда халқаро матбуотда тез-тез учраб турган "ислом терроризми" ҳақидаги даъволар, "яхудий терроризми" ёки "христиан терроризми" тушунчалари каби нотўғри ва асоссиздир. Зеро, исломда ҳам, бошқа икки самовий динда ҳам террорга ёки одамлар устидан бошқа шаклдаги зўравонликка ўрин йўқ.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкурарий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қўлай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш каби турли ғоявий, диний ва мафкурарий воситаларни ишга солмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий "сабоқ" бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпурчилик ҳаракатлари кучайди.

Шундай экан, юртимиз хавфсизлиги ва тараққиётга бўлаётган ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва хуружларга нисбатан огоҳ бўлиш, уларга қарши кескин кураш олиб бориш, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ёшларимизни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, бир сўз билан айтганда, шу азиз ва муқаддас Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ва масъулиятига айланмоғи даркор.

"Яқин мамлакатлар" хизмати

"МТС-Ўзбекистон" компанияси "Яқин мамлакатлар" хизматини ишга туширди. Унга уланган абонентлар бир қатор МДХ мамлакатларига арзон нархларда кўнғирок қилишлари мумкин.

2011 йил 1 июлдан бошлаб "МТС-Ўзбекистон" компанияси халқаро алоқадан кўп фойдаланувчи компания абонентларига янги "Яқин мамлакатлар" хизматидан фойдаланишни таклиф этади. Хизматга улансангиз, Беларус, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Қирғизистон ва Қозоғистон каби МДХ мамлакатларига кўнғироғингизнинг 1 дақиқаси атиги \$0,25 бўлади, бунинг устига хизматнинг абонент тўлови кунига атиги \$0,02, фаоллаштириш эса атиги — \$0,05.



Хизматни қуйидаги усуллар билан активлаштириш, ўчириш мумкин:

- Мобил портал *111# орқали
- Интернет-ёрдамчи ёки "Корпоратив интернет ёрдамчи" орқали
- Офисга мурожаат қилиб, ёзма ариза орқали
- USSD-командалар орқали
- Активлаштириш *111*0291#
- Ўчириш *111*0290#
- Ҳолатни текшириш *111*029#
- BOSS (SMS-ёрдамчи) орқали
- Активлаштириш 616029 рақамига 1 рақами юбориб
- Ўчириш 616029 рақамига 0 рақами юбориб
- Ҳолатни текшириш 616029 рақамига бўш хабар юборинг
- Корпоратив абонентлар "Корпоратив интернет ёрдамчи" ёки офисда ёзма ариза орқали хизматни фаоллаштиради.

"МТС-Ўзбекистон" компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Н.Шодмонов:

— Тактифимиз биринчи навбатда яқин хориж мамлакатларига кўплаб кўнғироқларни амалга оширадиган абонентларга мўлжалланган. Шу сабабли ушбу хизматни ишлаб чиқишда биз бундай абонентларнинг барча эҳтиёжларини ўрганиб ва талабга эга йўналишларга арзон кўнғироқларни назарда тутган аниқ ва тушунарли нархда тизимини ишлаб чиқдик. "Яқин мамлакатлар" хизматини улаб, абонентларимиз МДХнинг кўпгина давлатларидаги яқинлари ва дўстлари билан янада кўпроқ мулоқот қила оладилар.

Ёзувчи билан учрашув

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қириш юзасидан тасдиқланган тadbирлар режасига асосан филиал жамоаси, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари бошликлари, уларнинг ўринбосарлари ва ходимлар иштирокида маданий-маърифий тadbир ўтказилди.

Тadbирни филиал директори З.Воҳидов очиб, барчами мустақил юртимизнинг яқинлашиб келаётган 20 йиллик

байрами билан қутлади. Тadbирга Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари таклиф этилди. Жумладан, ёзувчи Эрмат Нурматов мустақилликкача бўлган даврда маънавиятга, ижодкорларга бўлган муносабат, илм-фан соҳасида янгиликка интилган ўзбек арбобларининг қатағон қилингани, мустақилликка эришгач энг аввало, миллий ўзлигимизни англаш, маънавий бўшлиқни тўлдириш, азалий урф-одатларни қайта тиклаш борасида муҳтарам Юртбошимиз томонидан амалга оширилган саъй-ҳара-

катларга алоҳида тўхталиб, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, Наманган вилоятида мисли қўрилмаган ўзгаришлар бўлаётганлиги, қўркам бино ва иншоотлар барпо этилиб, халқ фаровонлиги-га хизмат қилаётганини таъкидлаб, ўзининг Ватанини мадҳ этувчи шеърлари билан йиғилганлар кўнглини шод этди.

Шавкат МАМАТОВ,
"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Наманган филиалининг
маънавият ва маърифат
ишлари бўйича масъул ходими

Семинар машғулот

Давлат алоқа инспекциясида Маънавият тарғиботи маркази Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими вакиллари иштирокида семинар-машғулотлар ўтказилди. Тошкент Давлат юридик институти профессор, доцент ва катта ўқитувчилари таклиф этилган мазкур семинарларда ДАИ раҳбарияти, бўлим бошликлари, муҳандис ва инспекторлар ҳамда бошқа мутахассислар иштирок этдилар.

Семинар-машғулотларни ўтказишдан олдин ходимларга ҳар бир мавзу бўйича адабиёт ва қўлланмалар ҳавола этилиб, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий бурчакда мавжуд бўлган адабиёт ва қўлланмалар бўйича маълумотлар берилди. Маърузачилар томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили Давлат дастурининг мазмун-моҳияти", "Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш", "Диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатларига қарши кураш", "Хоразм Маъмур академияси — миллий маънавиятимиз гултожи", "Ўзбекистон ва жаҳон: Йиғирма йиллик довлонлар оша" мав-

зулари ҳамда Ўзбекистон Президенти асарларида миллий ғоя, мафкура ва маънавият масалалари мавзуларида маърузалар ўқилди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан тақдим этилган филм орқали ходимларга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўз соғлиқларига эҳтиёткор муносабатда бўлиш, соғлом оилани қарор топтириш ҳақида тушунчалар етказилди. Филмлар ҳаётий мисоллар ва маълумотларга бойлиги, таъсирчанлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бу каби семинарларни ўтказишдан мақсад — комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойиллар маъно-моҳиятини ходимларимиз ўртасида янада кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларини янги босқинга кўтаришдан иборат.

Р.ИРМАТОВ,
ДАИ Махсус ишлар бўлими
1-тоифали муҳандиси

Соғлиғимиз ўз қўлимизда

Дарҳақиқат, агар инсон соғлом турмуш тарзига риоя қилса, ўз танасидаги ўзгаришларга эътибор берган ҳолда уни зарур моддалар билан таъминлаб турса, бу борада керакли билим ва кўникмаларга эга бўлса, у узоқ йиллар соғу саломат яшайди. Ва бундан унинг оиласи, шунингдек меҳнат қилаётган жамоаси ҳам наф кўради. Бошқача қилиб айтганда, соғлом одам жамиятга ҳар томонлама фойда келтиради.

"Матбуот тарқатувчи" АКда "Соғлом фарзанд — буюк келажақ таянчи" мавзуида бўлиб ўтган тadbирда ана шу ва инсон саломатлигини муҳофазалашга оид бошқа муҳим масалалар ҳақида гапирилди. Пойтахтимиздаги "Нажот-шифо" саломатлик маркази олий тоифали шифокори Бахтинисо Азимбоева инсон организмидаги ҳужайралар фаолияти, уларни керакли моддалар билан доимий равишда таъминлаб туриш, бир кунда қанча миқдорда сув ичиш лозимлиги каби муҳим масалалар ҳақида гапирди. Йиғилганларни ўз соғлиғи учун ўзи қай-гуришга, доимо синчков, ҳушёр ва эътиборли бўлишга чақирди. Иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди.

— Бундай тadbирларни тез-тез ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмапти, — дейди компания касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Одилова. — Ходимларимиз шифокорлар маслаҳатларига тўлиқ амал қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

М.МИРКАМΟΛΟΒΑ

SPORT

Мини-футбол: баҳслар қизгин кечди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг мини-футбол (футзал) бўйича Кўчма соврини учун "Шарқий" худудий минтақавий саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақалар 6-8 июл кунлари Куvasой шаҳрининг Арсиф қишлоғидаги "Аҳмад ал-Фарғоний" дам олиш масканида ўтказилди. Унда Андижон ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари жамоалари иштирок этди. Мусобақалар доира тизимида ўтказилди.

Натижаларга кўра, Тошкент вилояти жамоаси — I ўрин (12 очко), Фарғона филиали жамоаси — II ўрин (7 очко), Наманган филиали жамоаси — III ўринни (6 очко) эгаллади.

"Ўзбектелеком" АК Тошкент ва Фарғона филиаллари жамоалари финал босқичига йўлланмаларни қўлга киритдилар. Фахрли ўринни эгаллаган жамоалар ташкилий қўмита томонидан эсдалик совринлари билан тақдирландилар.

Ҳ.АСҚАРОВА

Қисқа сатрларда:

• Япониянинг Кобе шаҳрида ўтказилган енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида Гўзал Хуббиева юз метрга югуриш беллашувларида белгиланган масофани 11,39 сонияда босиб ўтди ва олтин медалга сазовор бўлди. Мазкур чемпионатнинг баландликка сакраш баҳсларида Светлана Радзивилга кумуш медал топширилди. Ёш спортчимиз Иван Зайцев найза улоқтириш баҳсида бронза медали соҳиби бўлди.

• Украинанинг Мариупол шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Элшод Расулов, Аббос Атоев ва Шаҳобиддин Зоировлар кумуш, Санжар Раҳмонов ва Фазлиддин Ғойибназаров бронза медалларни қўлга киритишди.

• Россиянинг Самара шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича халқаро турнирда тажрибали гроссмейстеримиз Марат Жумаев юқори ўринлар учун курашда давом эттирмоқда. Ҳамюртимиз ҳозирча саккиз имкониятдан 5,5 очко жамғарди.

• Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Австриядаги ўқув-машғулот йиғинлари доирасида иккита ўртоқлик учрашувини ўтказди. Биринчи ўйинда Москвадан "Динамо" клуби билан 1:1га имзо чекилган бўлса, иккинчи баҳсда Россиянинг бошқа бир жамоаси "Ростов"га 3:2 ҳисобида имконият бой берилди.

• Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров Жанубий Кореянинг "Сеул" клубидан Саудия Арабистонининг "Ал-Шабаб" жамоасига кўчиб ўтди. Маълум бўлишча, Жепаров энди уч йил "Ал-Шабаб" либосида майдонга тушади. Футболчимизнинг трансфер нархи 8 миллион долларга баҳоланган.

• Футбол бўйича Америка Кубоги мусобақасининг гуруҳ босқичи якунланди. Чорак финалда қуйидаги жўфтликлар баҳслашадиган бўлди:

Колумбия — Перу
Аргентина — Уругвай
Бразилия — Парагвай
Чили — Венесуэла

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлигининг Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи
Фарҳод ЯНГИБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукўр таъзия изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси ва Хоразм вилоят Давлат алоқа инспекцияси жамоалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи
Фарҳод ЯНГИБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилояти худудий бошқармаси, "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Агентлигининг Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи
Фарҳод ЯНГИБОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукўр ҳамдардлик билдирди.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Наманган вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Юсупхон Ишановга падари бузруквори
Умархон ИШАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чукўр таъзия изҳор этади.

"Андижон матбуот тарқатувчи" МЧЖ жамоаси жамиятнинг Избоскан тумани бўлими собиқ бошлиғи
Абдурахмон АБДУҚАЙОМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Нишон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Маҳмуд Боймировга акаси
Музроб БОЙМИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Жиззах вилояти алоқа корхоналари ҳамда Жиззах вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Жиззах "Алоқинвест" МЧЖ директори Вали Қобиловага укаси
Мўмин ҚОБИЛОВнинг
вафоти муносабати билан чукўр таъзия билдирди.

ХИКОЯ

ОТАСИГА ЎХШАГАН ЎҒИЛ

Ўғил отасининг хизмат сафаридан қайтишини интизорлик билан кутди. "Отам келса тўйиб-тўйиб шашка ўйнардим, — ният қилди ўғил соғинчдан энтикиб. — Тезроқ кела қолсайди". Ота келди. Ўғлига ажойиб копток ҳамда шашка доналари олиб келди. Ўғилнинг севинчи дунёларга сиймай кетди. Олдинига кўчага чиқиб, ўртоқларига мақтанди. Сўнг эса отасининг бағрига кириб, ялинчоқ овозда бирга шашка ўйнашни илтимос қилди.

— Ўғлим, — деди ота боласининг юзидан ўпиб, — ўртоқларинг билан ўйнай қол. Менинг ишим кўп, ёзадиган нарсаларим бор.

Копток ҳам, шашка доналари ҳам кўзига кўринмай қолган, қалби ўксиган ўғил секин хонасига кириб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Энди ота нафақада, ўғил катта бир идоранинг бошлиғи. Қуни билан телевизор кўриб, ҳовлидаги у-бу ишларни қилиб чарчаган ота ўғлини кутади. "Тезроқ кела қолса эди, — ўйлайди ота. — Бирпас гаплашсам, ҳоврим кўтариларди".

Ташқаридан машина овози эшитилди, келин дарвозани очгани югурди. Небараси дастурхонга овқат келтириб қўйди. "Чойни ҳам янгилаб кела қол, — тайинлади бобо ўғилнинг чойни иссиқ ичишни ҳуш кўришини ўйлаб. —

Яхшиси кўк чой дамла."

Ўғил кириб салом берди. Отанинг юраги бир ҳаприқиб тушди. "Ўзингга шукур, — ҳаёлидан ўтди. — Ўзимдай басавлат, меҳнаткаш бўлди ўғлим ҳам". Сўнг сурилиб, ўғлига жой кўрсатди.

— Отажон, бемалол ўтираверинг. Менинг борадиган жойим бор эди, — узр сўради ўғил. — Кечки овқатни ҳам ўша ерда ейман. Яхши ўтиринглар.

Ўғилнинг орқасидан маъюс тикилиб қолган ота неваралари билан бир оз ўтирди ва секин хонасига кириб кетди. Ўғил ҳақиқатан ҳам отасига ўхшаган эди.

М.ИДРИСХУҲАЕВА

BILIB QO'YGAN YAXSHI

Доғни кетказиш учун...

• Баъзан мебелга иссиқ нарса қўйилиши натижасида оқ доғ пайдо бўлади. Бундай доғни спирт ҳамда ўсимлик мойи бирикмаси ёрдамида кетказиш мумкин. Бунинг учун доғни бирикмага ботирилган юмшоқ пахта ёрдамида айланма ҳаракат билан артиш лозим. Лакланган идора жиҳозларидаги сувдан қолган доғларни йўқотиш учун доғга ун сепиб, ўсимлик мойига ботирилган латта билан артиш кифоя.

• Болаларнинг рангли мебелларида бармоқ изларидан доғ ҳосил бўлади. Уларни бартараф этишда қайнатилган картошка бўлаги асқотлади. Фанерли жиҳозларда сув томиши натижасида шиш пайдо бўлса, ўша шиш устига бир неча қатлам қоғоз қўйиб, устидан дазмол босиштириш тавсия этилади. Агар бу усул фойда бермаса, шишни бигиз ёрдамида тешиб, унга дурадгорлик елими қўйинг ва яна бир неча қатлам қоғоз тўшаб, қайта дазмоллашингиз керак.

РИВОЯТ

БЕШ ТАБИБ

Табибларнинг улуғи Ибн Сино кунлардан бирида қаттиқ оғриб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Ибн Синонинг шогирдлари, энг яқин дўст-биродарлари йиғилишибди. Улар яхши сўз айтиб, улуг табибнинг кўнглини кўтаришга, кайфиятини яхшилашга ҳаракат қилишса, шогирдлари уни дори-дармонлар билан даволашга киришибдилар.

Ўлими яқинлигини сезган Ибн Сино шогирдларига шундай дебди:

— Эй, шогирдларим, менинг куним битган кўринади. Шу боисдан мени даволайман, деб беҳудага ҳаракат қилманглар. Вафот этсам, йиғисиги, оҳ-воҳ қилиб ўтирманглар. Фақат ҳақимга дуо қилиб, онда-сонда қабримни зиёрат қилсанглар бас. Ва яна, устоз оламдан ўтди, энди табобат оқсайди, деб ҳам қайғурманглар. Ўрнимга бешта зўр табибни қолдириб кетмоқдаман. Шулар-

нинг маслаҳатларига доимо амал қилинглр, бошқаларни ҳам шунга даъват этинглр, — дебди.

Шогирдлардан бири:

— Устоз, сиз айтган табиблар кимлар экан? — деб сўрабди.

Шунда Ибн Сино:

— Мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири — тозалик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадантарбиядир. Ва қолган иккиси мижоз ва кайфият ҳисобланади. Доимо покиза, озода бўлишлик, дуч келган овқатни ея бермаслик, апил-тапил овқатланмаслик, парҳез ва меъёрни библишлик, ичкиликка ружу қўймаслик, бадан аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмаслик, мижозни унутмаслик ва ниҳоят, кайфиятини яхши тутишга ҳаракат қилиш лозим. Айтганларимга амал қилинса, касалланиш у ёқда турсин, ҳаттоки бевақт ўлим ҳам орқага чекиниши мумкин.

ХАНДА



Одам тўла автобустга бир киши чиқишга урина бошлади.

— Э, инсоф деган нарса борми ўзи сизда, қаёққа тиқиялпсиз. Кўрмайпсизми жой йўқлигини, қанақа одамсиз ўзи?

— Ўтказиб юборинглр, мен шу автобуснинг ҳайдовчисиман, ахир...

Газетадаги эълон:

Ёлғизланиб қолган футбол жамоаси ўзининг орзусидаги олигарх билан танишини истади.

Айтишларича, Абрамович Италиянинг «Рома» клубини сотиб олиш ҳақида ўйлаётган эмиш... унга клубнинг номи ёқиб қолибди.

SHIFOKOR MASLANATI

Стоматитдан сақланинг!

Стоматит ёз келиши билан кўп тарқаладиган касалликлардан бири. Пуштадан янги узиб ёки бозорда харид қилишдан олдин еб қўриладиган мевалар, ювилмаган қўллар билан бирор нима ейиш орқали оғизга инфекция тушиши оқибатида бу касаллик пайдо бўлади.

Стоматитда оғиз бўшлиғида оғриқ берувчи ярачалар ҳосил бўлиб, бунинг оқибатида тана ҳарорати кўтарилиши ҳам мумкин. Шунингдек, бирор нарса истеъмол қилиш, ҳатто гапириш ҳам оғриқ келтириб, оғиздан нохуш ҳид кела бошлайди, милкларнинг қонаши кузатилади.

Бу касалликнинг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим. Ушбу касалликни кўзгатувчи бактериялар анча фаоллашадиган давр — ёз фаслида бу жуда муҳимдир. Мева-сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин, албатта, яхшилаб ювиш, ювилмаган қўлни оғизга яқинлаштирмаслик лозим.

Бирор дорини қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

Гулчеҳра АКБАРОВА,
стоматолог-шифокор

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"ЎЗИ-Қарши" филиали жамоаси филиалнинг 226-ЭАТС кросс-электромонтёри Замира ҲАКИМОВА ҳамда марказий сўзлашув шохобчаси телефончиси Сабоҳат ЖўРАЕВАларни қўтлуг 50 ёшни қарши олишлари билан муборакбод этиб, уларга доимо соғлиқ, омонлиқ, ишларида ривож тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Қувасой почта алоқаси тармоғи ходими Мухтасархон ШОДМОНОВани 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узок умр, фарзандлар бахту иқболини қўришликни тилайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҲЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХУҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суъон НАЖБИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❊

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-702 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адали: 16525 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчада 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Қаршида 314-08-99